



ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталиқ газетаси

10

1993
йил
6—12
Март
(103)

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУФ БЎЛСИН, АЗИЗ ОНАЛАР ВА ОПА-СИНГИЛЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИННИГ КАРОРИ

НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА



Бувижон, Бахтилизга омон бўлинг! (101 ёшли Улуғ момо ҳакидаги мақолани газетамизнинг 8-саҳифасида ўқийсиз

ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИГА

Республикамиз Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов ва хукуматимиз юритаётган доно сиёсат ўзбеклар диёрида тинчлик ва осойишталиктининг баркарорлигини таъминлашмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Республикаизда ижтимоий-сиёсий ахволни яхшилашда, ахолини иқтисодий ҳимояланишини кучайтиришда ва бозор муносабатлари келтириб чиқараётган салбий оқибатларни олдинни олишда Президентимизга энг ишончли, мустаҳкам таянч бўлиб келмокдалар.

Биз мажлис қатнашчилари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан кейинги йилларда «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Конуни кабул килишда, меҳнаткашлар манбаатларини ҳимоя этишда, уларнинг иш ҳақи, меҳнатини муҳофаза килиш, стипендия, нафакаларини энг из микдорини белгилаш масалаларида Вазирлар маҳкамаси билан олиб бораётган ишларни қўллаб-куватлаймиз.

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаётидаги ўзгаришлар ва янгиликларни кенг оммага етказиша Федeração кенгашинига ҳафтномаси «Ишонч»нинг хизматлари катта бўлмоқда. Ҳафтнома обрўси кун-сайн фаргоналик муштариблар орасида ортиб бормоқда.

Лекин касаба уюшмаларининг айрим тармок ва худул ташкилотлари раҳбарлари ноўрни харакатлари билан Ўзбекистон касаба уюшмалари обрўсига пурт етказаётганини оддий, соғдил касаба уюшма аъзоларини ҳайратга солмоқда.

Назаримизда, кейинги йилларда касаба уюшмалари меҳнаткашларни ижтимоий-иктисодий ва ҳукукий манбаатларини ҳимоялашни кучайтириш, мустакил давлатимизнинг касаба уюшмалари сифатидаги ўз мавкеини мустаҳкамлаш ўрнига кераксиз тортишувлар ва келишмовчиликлар билан банд бўйдилар.

Оқибатда касаба уюшмалари ташкилотларида тартиби интизом бўшашиб, турли ўзбошимчаликларга йўл қўйилди.

Меҳнаткашларни дам олдириш, соғломлаштириш, маданият ва спорт муассасалари ишларини ташкил килишда молиявий қийинчиликлар туғилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг янги низоми ҳамда ягона молиявий интизомини жорий қилиш ва аъзолик бадалларидан тушган маблагнинг бўғизини бошлангич касаба уюшмаларининг ўзида қолдириш ҳакидаги таклифларини амалга ошириш билан бу муаммолар ўз ечинин топади деб ўйлаймиз. Шу билан бир каторда касаба уюшмалари маблагларини самарадорлик билан фойдаланиш масадидаги касаба уюшмаларининг банки ташкил этилишини қўллаб-куватлаймиз.

Фарғона вилояти касаба уюшмалари Республикаиз Президенти олиб бораётган мустакиллик, осойишталиқ ва бирдамлик сиёсатини қўллаб-куватлаб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси амалга ошираётган хайрли, адолатли ишларини бажаришга барча куч-куватларини сарфлайдилар деб ишонтирамиз.

Касаба уюшмалари Фарғона вилоят кенгаши йигилиши қатнашчилари,

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИННИГ КАРОРИ

НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг қадимий ва саховатли байрами бўлган Наврўзни 1993 йилда кенг нишонлаш учун, шунингдек, миллий урф-одатлар негизида умуминсоний кадриятларни улуглаш, ҳалқ ижодкорлик қудратини намоён этиш, Ватанга муҳаббат, меҳр-шафқат, юртимизда яшовчи барча миллатлар ўртасида дўстлик, ҳамжиётлик, тинчлик ва осойишталиқни янада мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор килади:

1. Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиши бўйича Республика ташкилий қўмитасининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансан. Ташкилий қўмитага бир ҳафталиқ муддатда байрамни ўтказиши билан боғлик бўлган тадбирларни ишлаб чиқиши вазифаси топширилсан.

Жойларда Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашинига раиси, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар хокимларининг шахсан раҳбарлигига шундай ташкилий қўмиталар тузилсан.

2. Республика корхоналари, муассасалари, жамоа ва давлат ҳўжаликлари, ширкатлар, жамоат ташкилотларига ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб, байрам тадбирларини тегишили транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат моллари ва бошқа зарур ашёлар билан таъминлаш вазифаси юклитилсан. Ушбу мақсадларга йўналтирилган сарф-харажатлар уларнинг зиммаларида бўлиши назарда тутилсан.

3. Коракалпогистон Республикаси Вазирлар кенгаши, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар хокимларини, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Маҳалла» ва «Наврўз» хайрия жамғармалари, ижодий уюшмалар ва бошқа тегишили ташкилотларга жойларда байрам маданий тадбирларини, оммавий спорт мусобакаларини, ҳалқ ўйинларини кенг ташкил этиши, турли кўрик-танловлар ўтказиши тавсия этилсан.

4. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимларни Наврўз байрамида Республикадаги барча миллий маданият марказларининг ўз дастурлари билан иштирок этишлари учун зарур шартшароитлар яратиб берсингилар.

5. Наврўз байрами тадбирларини Коракалпогистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиши билан боғлик ҳаражатлар маҳаллий бюджетлар хисобидан копланиши кўзда тутилсан.

«Маҳалла», «Наврўз», ЭКОСАН, Шароф Рашидов номидаги жамғармаларининг байрам тадбирларини маблағ билан таъминлашда кўмаклашиш борасидаги ташаббуслари қўллаб-куватлансан.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги пойтахтда байрам тадбирларини ўтказиши муносабати билан бўладиган сарф-харажатларни Тошкент шаҳар хокимлиги тақдим этган молиявий ҳужжатлар асосида Тошкент шаҳар ва Республика бюджетлари хисобидан тенг мидорда копласин.

7. Республика оммавий ахборот воиталари байрам тайёргарлиги ва унинг ўтиш жараёнини кенг ёритсингилар. Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси ва «Наврўз» хайрия жамғармасининг 21 марта кунига мўлжалланган «Мустақилик—инсонни эъзозлашдир» шиори остида телемарафон ўтказиши тўғрисидаги таклифи маъқуллансан.

8. Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиши Республика ташкилий қўмитасига байрамни тайёрлаш ва ўтказиши ишларидаги фаол иштирок этган барча идора, жамоалар ҳамда фуқароларни рағбатлантириш ҳакида тавсиялар тайёрлаш топширилсан.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.


Тошкент шаҳри,
1993 йил 27 февраль.

Хабарлар мағзи



● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов жаҳоннинг етакчи журналистлари билан 4 марта куни учрашиди ва уларнинг саволларига жавоб қайтарди. Мустакил давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги хорижий журналистлар уюшмаси ташаббуси билан Республикаизга келган газеталар, журнallar ва телерадиокомпаниялар вакиллари уларни кабул килганилиги учун Ўзбекистон Президентига миннатдорчилик билдирилар.

● 8 МАРТ Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Ўзбекистон ҳалқ ҳўжалигини ривожлантириш, фан ва маданиятни юксалтириш ишига баракалини кесса кўшганликларни тарбиялашдаги хизматлари учун Республикаизнинг бир гурӯх аёлларига Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унvonлари ҳамда Фахрий ёрнлари берилди.



Касаба уюшмалари вилоят кенгаши юзага келган вазият натижасида пайдо бўлган ижтимоий қескинликни юмшатиш учун маҳаллий санаторийларни саклаб колиш ва уларнинг даволаниш базаларини кенгайтириш, шарт-шароит яратиш хақида карор қабул қилди. Барча санаторий-профилакторийларда даволаниш турлари кўпайтирилди, янги кабинетлар очилди. Игна, фитобар, шифобахш сув билан даволаш комплекси ишга туширилди. Маҳаллий кудуклардан олинган шифобахш сувлардан кенгрок фойдаланиш йўлга қўйилди. Дам олиш ва даволаниш масканлари қўшимча ишчи ўринлари, яхши асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Дам олувчиларнинг кунлик овкатланиши учун сарфланадиган харажатлар, барча ишловчиларнинг иш хаклари оширилди. Ўтган йилнинг сўнгги ойида санаторий-профилакторийларнинг фаолият кўрсатишига вилоят касаба уюшмаларида йигилган маблағдан уч ярим милион сўм сарфланди.

«Туямўйингдрострой» трести мурракаб молиявий ахвол тифайли ўзига карашли «Бозиргон» санаторий комплексидан воз кечди. Бу комплексга ўкувчилар учун дам олиш лагери ҳам киради. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши санаторий комплексини тўлиқ-ўз балансига олди.

Маълумки, ўз санаторий-профилакторийларига эга бўлган корхоналарни ишловчиларнинг сони 500—2000 кишини ташкил этади. Шу боис мазкур санаторий-профилакторийларда бошка корхона, ташкилот, ва ҳўжаликларда ишловчилар хам дам олиб даволанадилар. Бозор иктисадиётига ўтилиши, нарх-навоексини ўсиши сабабли уларни фикат битта корхона маблағ билан таъминлаши кийин бўлиб колди. Санаторий-профилакторийларни молиявий жиҳатдан таъминлашда бошка муаммолар ҳам пайдо бўлди, яъни битта жамоага карашли даволаш масканда бошка жойда ишлайдиган ишчи ёки хизматчи имтиёзини нархларда кандай дам олиши мумкин?

Касаба уюшмалари вилоят кенгashi бу муаммоларнинг ечимини излаб тўғри йўл тутди. Кенгаш кошида йўлланмалардан фойдаланиш ва меҳнаткашларни соғломлаштириш бўйича ҳўжалик хисоби асосида ишлайдиган бошкарма ташкил этилди.

Санаторий-профилакторийларга эга бўлган корхоналарни молиявий жиҳатдан қўллаб-куватлаб туришбу бошқарманинг асосий вазифалари килиб белгиланди. Бошқарма ташкил этилганидан буён 200 дан зиёд корхона, ташкилот, ҳўжаликлар билан 8000 дан ортик, йўлланмаларни тарқатиш бўйича шартномалар тузилди. Кўшни Коракалпогистон, Туркманистоннинг Ташховуз вилояти меҳнаткашларини ҳам дам олиш ва даволаниш масканларига қабул кидаётмиш.

Йўлланма нархига киритилган ҳўжалик харажатлари киймати бош-

малар тузилади.

Натижада маҳаллий аҳолининг кариб 90 фоизи ҳўжалик ташкилотлари ва касаба уюшмалари ҳисобидан санаторийларимизда бепул соғломлаштирилмоқда. Улар сирасига якка-ёлғиз яшовчи кам таъминланган оналар, ногиронлар, Улуғ Ватан уруш катнашчилари, байнамил жангчилар, Чернобиль авариясини бартараф этиш катнашчилари ва бошка тоифадаги кишилар киради.

Вилоятимизда 10 та санаторий-профилакторий ишлаб турибди. Уларнинг барчаси идораларга, кор-

ЮРТ БОЙЛИГИ

БОЗОР иктисадиётига ўтилаётган бир шароитда амалда ишлаётган санаторий-курортларда меҳнаткашларнинг даволаниши ва дам олишини ташкил этиш тизимини сақлаб қолиши мүхимdir. Айниқса, капитал маблағлар етишмаслиги туфайли кўпчилик болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санаторий-профилакторийлар, болалар соғломлаштириш лагерларининг бекилиб қолишига йўл қўйши сира ҳам мумкин эмас.

Карманинг даромадини ташкил этади. Унинг ўн фоизи аппаратни саклаш, санаторийлар кадрларини ўқитиш, бюджет ташкилотларига карашли даволаниш масканлари базасини кенгайтиришга сарфланади. Колган 90 фоизи эса санаторий эгаларига ҳўжалик харажатларини коплаш учун ёрдам тарикасида ажратилиди. Хозиргача бошқарма томонидан ана шу максадлар учун ҳўжалик органларига бир миллион сўм ўтказиб берилди, яна 3 миллион сўм ўтказиб мўлжалланапти. Иккита санаторий-профилакторийнинг хар бирига ремонт ишларини тугаллаш учун юз минг сўмдан пул ўтказилди, шунингдек махсус машиналар, жихозлар ва асбоб-ускуналар сотиб олишида ёрдам кўрсатилди.

Меҳнаткашларни соғломлаштириш масалалари бевосита бошлангич касаба уюшма ташкилотлари ва ҳўжалик органларининг доимий диккат марказида бўляяпти. Хар йили жамоа шартномаларини қабул килиш жараёнида бу хусусда бажарилаётган ишлар аник белгилаб олиниди. Шартномаларда бепул соғломлаштириладиган ходимлар сони кўрсатилиди, бу ҳакда тегишли шартно-

хоналарга, ҳўжаликларга карашлиди. Бу шифо масканлари тегишли корхоналар, меҳнат жамоалари маблағлари хисобига курилган. Демак, биринчи наубатда ўша жамоалар меҳнаткашларининг дам олиш ва даволанишларига хизмат килмоғи киради.

Электр тармоқлари корхонасининг (директори Ш. Машарипов, касаба уюшма кўмитаси раиси Н. Рўзиматов) «Энергетик», вилоят автомобиль трестининг (бошқарувчиси Ш. Машарипов, бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси О. Демчик) «Автомобилчи», «Хоразмсовхоздстрой» трестининг (бошқарувчиси Й. Норматов, бирлашма касаба уюшмаси кўмитаси раиси Ю. Машарипов) «Оби-ҳаёт», касаба уюшмаси вилоят кенгашининг «Бозиргон» санаторийлари замонавий-лойиха асосида курилган. Ўрта Осиё магистрал газ кувурлари бошқармасининг санаторийси ҳам шу жумлага киради. Улардаги ўринлар барча кулагиларга эгадир... Даволанинг имкониялари яхши. Маданий-майний шароит Ўзбекистондаги ва Мустакил Давлатлар Ҳамдустлигидаги бошка санаторийлардан қолишмайди.

**Офелия ЮСУПОВА,
Касаба уюшмалари Хоразм
вилоят кенгаши раиси**

● **Тахририятдан:**
Хурматли Офелия Хакимовна,
**Сизни кутлуг ёшингиз билан
табриклимиз!**

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ ҚЕНГАШЛАР ТУЗИЛМОҚДА

ХОЗИРГИ пайтда ҳар бир шахар ёки районнинг ўзида бир неча мустакил тармоқ касаба уюшма кўмиталари мавжуд бўлиб, улар ўзларича мустакил фаолият кўрсатмоқда. Мустакиллик яхши нарса-ю, аммо уларнинг ҳар бирининг ўзича ечилмай колиб кетаётган муаммолари тобора кўпайиб бормоқда. Шунинг учун шахар ва район миқёсida айнан шундай чигал масалаларни тўплаб, маҳаллий хукуматга олиб чиқадиган

ташкилот керак бўлиб колди.

Бундай йўналтирувчи ташкилот зарурлигини тез орада тушуниб етган Фаргона вилояти касаба уюшмалари Кенгаши касаба уюшма фаолларининг талаб ва истакларини хисобга олиб, вилоятдаги 20 та шахар ва район тармоқ касаба уюшмалари раислари ёрдамида жойларда мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузишга карор килди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузишга бағишиланган йигин Бағод районидаги хокимлик Уйи биносида бўлиб ўтиди. Уйда райондаги агросаноат мажмуи ходимлари, савдо, халк таълими, тиббиёт, давлат муассасалари, пойабзал фабрикаси, 78-автотархона, мебель фабрикаси, «Наргис» кичик корхонаси, алоқа ва почта, Кўкон курилиш-монтаж бошқармаси, уйжой-ҳўжалик ходимлари касаба уюшмаси кўмиталарининг раислари катнишиди.

Йигилишда Бағод райони касаба уюшмалари мувофиқлаштирувчи кенгаш тузишди. Унга райондаги барча тармоқлар касаба уюшмалари кўми-

талари ҳамда йирик бошлангич касаба уюшмалари кўмиталари ихтиёрий равишда вакил сифатида аъзо бўлиб кирдилар.

Кенгашнинг максади барча касаба уюшмалари олдида турган вазифаларни уларнинг аъзолари манфаатлари мос равишда биргаликда ҳал этишидир.

Йигилишда район касаба уюшмалари бирлашган Кенгашининг раислигига агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси район кўмитаси раиси Абдуғаффор Ҳалилов сайданди.

**А. ДАМИНОВ,
«Ишонч» мухбири.**

ДЕҲКОН ДАМ ОЛАДИ

АГРОСАНОАТ мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кўмитасининг ишончли шифокорларин томонидан 1992 йил учун ўтказилган касалланиш таҳлили шуни кўрсатдик, нокуляй шароитларда ишлайдиган одамлар кўпроқ касал бўладилар. Бу тоифага далаларда, полиз ва боғларда сугориш ишлари билан банд бўлганлар киради. Дехконларнинг меҳнат шароитларини тасаввур килиш кийин эмас. Очик жойда, намгарчилик оғир жисмоний куч талаб этади. Шамоллаш, ошқозоничак касалларни шу ердан келиб чиқади.

Кишлоқ ҳўжалик маҳсулотининг хосилдорлиги бу тоифа меҳнаткашларнинг меҳнатига боғлиқдир. Шундай вазиятни хисобга олиб, агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кўмитаси имконият кидириб топиб, экин ишлари бошлангунга кадар, бу тоифа меҳнаткашларни соғломлаштиришга карор килди. Шу йилнинг 22 февралидан 18 марта га Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг шифо масканига Тошкент вилояти сувчиларининг 200 кишидан иборат гурухи таклиф этилди.

Шифо масканига тиббиёт ходимлари уларга гамхўрлик кўрсатадилар, согликларини тикишада ёрдам берадилар. Даволаниш билан бирга улар олимлар, машхур кишилар, мутахассислар билан учрашидилар, янги

иктисадий шароитларда кишлоқ ҳўжалик маҳсулотидан юкори хосил олиш максадида иш услублари хакида баҳс юритадилар.

Маданий дам олиш ҳам ёддан кўтарилимаган, кутубхона, клуб, спорт ва тринажер заллари, руҳий дам олиш хонаси улар ихтиёридадир. Кизиқарли экскурсиялар, кинокўрсатувлар, концерт дастурлари билан бадиий хаваскорлик дастаси иштирокчилари, машхур хонандаларнинг чиқишлини кўрадилар.

Кишлоқ ҳўжалиги меҳнаткашларига ғамхўрлик кўрсатиб, касаба уюшмаси Тошкент вилоят кўмитаси турли соғломлаштириш муассасаларидан кўшимча йўлланмалар сотиб олиш учун шартномалар тузди. Факат ўтган йилнинг ўзида 4,2 минг ўрнига, 12,5 минг меҳнаткашлар соғломлаштирилди.

Бепул йўлланмалар бўйича 1,3 минг касаба уюшмаси аъзолари, колганлари 15 фоиз кийматли йўлланмалар бўйича дам олдилар. Бунда йўлланмалар кишлоқ ҳўжалик ишларининг мавсумини хисобга олган холда берилди. Меҳнаткашларга ҳар томонлама ғамхўрлик, дам олиш ўйлари, шифо масканларида ўтказилган вакт улар учун зое кетмайди, яхшиланган соғлик ва тетиклик, олижаноб меҳнатлари учун мадад беради.

«Ишонч» мухбири.

ҲАР бир кишининг шахсий мақсадидан ташқари жамоага тегишили мақсади, умумбашарий орзу-ниятлари бўлади. Шу кунларда кўпчиликнинг ташвиши, дарди билан яшаётгандарга умумжамоа умид ва истакларини рўёбга чиқариши осон кечмаяпти. Бозор иқтисодиёти турли-туман муаммоларни келтириб чиқараётган мурракаб кунларда айтганинг устидан чиқиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмаяпти. Ваъда вафоси билан, сўзни амалий иш билан вабажо қилиши ўзи бўлмаётир. Лекин буни эплаганларнинг садақаси кетсан арзиди. Муқаддамхон Муродовани ана шундайлар қаторига киритса бўлади. У Наманган вилояти, Янгиқўрон район агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси. Унинг иккита катта йигиндаги иштирокининг гувоҳи бўлдим. Сўзлари кескин, фикрлари маънодор, мушоҳадаси кучли. Ўтган йилнинг кўкламида Узбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси тармоқ меҳнаткашларининг ҳуқуқ ва манфаатлари юзасидан ўт-

тадил, иситгич, совитгичлар хизматда. Дехон эса далада иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай тер тўқади. Бу ердаги ишчи ошхонасида ўн хилга яқин мазали овқатлар, турли ичимликлар ҳозирланади. Пахтакорлар дала шийлонларидаги қозонда эса ҳар куни бир хил таом, гоҳо қозон қайнамайди. Дехон ошхонасини барпо этиб, қозонини бойитишимиз даркор.

Республика агросаноат ходимлари касаба уюшмаси вакиллари Ўрта Чирчик районидаги Ким Пен Хва номидаги жамоа хўжалигининг иш юритиш тажрибаси билан танишишган пайтда Муқаддамхон «Бор эканку ҳақиқат, эпласа буларкан-ку» деб юборди. Бу хўжаликнинг ўз паҳта тозалаш заводи, ёғ ишлаб чиқариш цехи ишлабтанишдан, тўқувчилик фабрикаси қурилаётганидан ҳайратланди. Маҳсулотни қайта ишлаш намунасини ўз районидан амалга ошириш фикрини кўнглига тушиб қўйди.

— Бошқаларни билмадиму лекин шу йиғилишда мен қайралдим, балки айрим масалалар юзасидан айтган дангал гапларим кўпчиликка ёқмаган

нурофшон уфқлар баҳш этади. Бунинг учун районда турли саноат обьектларини барпо этиш, меҳнаткаш дехон вакилларини уларга чорлаш, тайёрлаш, иш ўргатиш, саноат ишлаб чиқаришига мос малака ҳосил қилиш талаб этилади. Саноат тармоғини кенгайтириш, қайта ишлаш корхоналарини кўплаб қуриш — бу давр талаби. Буни амалга оширсан, ишсизликка ҳам барҳам берга олган бўламиз.

— Айнан кўнгилдаги гаплар,— деди М. Муродова.— Унинг Тошкентда ҳамда пойтахт вилоятида кўриб кўнглида туғилган муштарак омилкорлик фикрлари амалга кўча бошлади. Бунга ҳокимлик, хўжалик ва қишлоқ кенгашлари, касаба уюшмалари раҳбарлари бош-кош бўлдилар. Ўтган йили режа бўйича 21 минг тонна мева, 16 минг тонна сабзавот, 15,5 минг тонна картошка, 210 тонна пилла етиштирилди. Режадагининг 50 фоизи ва режадан ошиғининг ҳаммаси хўжаликлар ихтиёрида қолди, улар қайта ишлаш корхоналари учун хомашё сифатида ишлатишга ажратилиди. Исковат қишлоғида йилига 35 минг тонна мевани қайта ишлайдиган завод курилиб ишга тушди. Унда Швецияда тайёрланган ускуналардан фойдаланилмоқда. Бу жаҳон талабларига мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бераяпти. «Гулшан» давлат хўжалигига 5000 тонна, «Туркистон» ва Тўйчи Нематов номли давлат хўжаликларида ҳар бири 3000 тонна мевани қайта ишлайдиган шарбат цехлари қад кўтарди. «Кўкёр» давлат хўжалигига 7000 тонна шарбат ишлаб чиқариш кувватига эга бўлган цех ишга тушди. У дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқарди. Бу цехларда минга яқин киши ишга жалб этилди. Бундан ташқари районда тиқувчилик фабрикаси ишга тушди. У 400 хотин-қизни иш билан таъминлаш имконини берди. Корхона йилига 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кувватига эга.

Районда барча эзгу ишларда касаба уюшмалари ташкилотларининг фаоллигини олайлик. Ҳар соҳада жонсарак, энгинг оч-тўқлиги-ю эгни бутлиги-ю тинч-осойишталиги-ю мамлакатимизнинг жаҳоншумул алоқасининг кенгайиши-ю... ҳаммасини ўйлади, амалий иш билан ибрат бўляпти. Ўрт бошлиғига осон эмас ҳозир. Ишлашни ундан ўрганиш керак. Ушандан бу иқтисодий буҳронлар ортда қолиб кетади.

Муқаддамхон Муродова айтгани иши билан, ваъдаси вафоси билан вабажо қишилар билан ҳамфир, ҳамнафас бўлиб иш тутиши туфайли районда улар билан бир қаторда обрӯзтибор топаяпти. Янгиқўронда 16 та хўжалик бор, ундан 14 таси давлат хўжалиги, 2 таси жамоа хўжалиги, бир қатор майший, савдо, маҳаллий корхоналар, ҳунармандчилар тармоқлари мавжуд. Муқаддамхон районнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётини бошқаришда ҳоким Т. Қирғизов, РАПО раиси Р. Ражаббоев, давлат хўжаликлари бошлиқлари Н. Курбонбоев, X. Мажидов, Б. Худойбердиев, М. Юнусов сингари ўнлаб ёниб ишловчи раҳбарлар сафида Янгиқўронда аҳоли фаровонлигини ошириш, умумхалқ бойлигини кўпайтириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишда фидоийлик кўрсатапти.

Бир йигинда район ҳокими Турғунпўлат Қирғизов мана бундай фикрларни ўртага ташлади:

— Агар қобиқни ёриб чиқиб, мурракаб бўлса-да индустрисал йўлни тутишимиз лозим. Бу келажакда бизга

Хозирча жамғарма хисобига шаҳардаги корхона, ташкилот, муассасалар жамоалари 50 минг сўмга яқин пул ўтказишди.

Яқинда уруш ва меҳнат ногиронлари ва ёлғиз қариялардан ўн бир кишига жамғарма хисобидан 500 сўмдан моддий ёрдам берилди.

Каттақўронликлар хайрли жамғарма хисобига ёрдам уюштиришни давом эттириш мөмкади. Бу эса ҳалқимизнинг саҳоватпешалигидан яна бир далолатdir.

Абдуазиз ҲОШИМОВ.

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

УРГАНЧДА агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси валоят қўмитаси Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби асосида конференция ўтказди.

Конференцияда сўзга чиқкан агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Кўшкўпир район қўмитаси раиси Р. Матжонова, Хонқа районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги касаба уюшмаси қўмитаси раиси X. Рўзматов, Урганч ёғ-мой комбинати касаба уюшма қўмитаси раиси С. Юнусова, валоят агросаноат ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси К. Давлатов, Урганч Давлат Университети профессори, тарих фанлари доктори К. Рахмонов, шу университет доценти С. Ражаббоев мазкур китобнинг илмий ва амалий аҳамияти ҳақида, унда илгари сурилган вазифалар тўғрисида гапирдилар. Шунингдек, конференцияда касаба уюшма ташкилотларининг бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан амалга ошираётган ишлари кўриб чиқилди, тадбирлар белгиланди.

БОФОТ районида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида бирмунча ишлар амалга оширилаяпти. Кам даромадли оиласларга, нафақа олувчиларга ҳар томонлама ёрдам берилмоқда. Касаба уюшма ташкилотлари ҳам бу борада фаол қатнашайтилар. Шу мақсадларга ўтган йилнинг ўзида салкам уч миллион сўм сарфланди. Лекин шу билан бирга ҳали айрим меҳнат жамоаларида, қишлоқларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари суст бажарилмоқда. 300 дан зиёд ойла начор яшайти.

Район фаолларининг яқинда бўлган йиғилишида ана шу хақда гап борди. Унда район ҳокими муовини К. Худойберганов, касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси О. Юсуповлар сўзга чиқиши.

**Шихназар АҲМЕДОВ,
«Ишонч» мухбири.**

Хабарлар магзи

• УЗБЕКИСТОН Республикаси футболн федерациясининг бўлиб ўтган нафбатдан ташқари пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди. Узбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов футбол федерацияси раислигига сайданди.

• ТОЖИКИСТОН Республикасининг Хатлон вилоятидаги Қабодиён райони ҳудудида жойлашган Карл Маркс номидаги жамоа хўжалиги раиси И. Мамадиев ва райондаги ўзбек жамоа раиси Н. Мамасандовлар Узбекистон Республикаси Президентига мурожаат килиб ушбу жамоа хўжалигига Ўзбек-тожик дўстликлининг рамзи сифатида Ислом Каримов номини берилишига унинг розилигини сўрашган.

• НАВРУЗ нафаси эсиб турган шу кунларда Ўрта Осиё ва Козогистон ҳалқлари ҳамкорлиги ва тараққиётiga ёрдам бериш Халқаро ассоциацияси муассис бўлган «Новий день» газетасининг нишона сони чиқди. Марказий Осиё ҳалқлари газетаси ўз олдига беш мустақил давлат ҳалкларини бирдамлик, тинчлик ва осойишта ҳаёт ўйлида бирлаштиришга даъват этиши максад килиб кўйган.

ФАХРИЙЛАР

ЖАМҒАРМАСИ

УРУШ ва меҳнат фахрийлари Каттақўрон шахар кенгаси ибратли ишларни амалга ошироқмокда.

Яқинда кенгаш қошида «Фахрийлар жамғармаси»нинг хисоби очилди.

— Жамғармани ташкил этишдан асосий мақсад, — деди уруш ва меҳнат фахрийлари Каттақўрон шахар кенгасининг раиси Шамсиддин ака Камолов, — ёлғиз, ногирон, бокувчини йўқотган карияларга маддий ёрдам уюштиришдир. Шунинг

дек, «Фахрийлар жамғармаси»га тушган маблагнинг бир кисми — карияларимизнинг маданий дам олишлари учун ўтказиладиган турли тадбирлар, ногирон кексаларнинг даволанишлари учун, дам олиш масканларига йўлланмалар бериш учун сарфланади.

Каттақўрон шахар хокимияти «Фахрийлар жамғармаси»ни биринчилар каторида қўллаб-кувватлади ва жамғарма хисобига маблаг ажратди.

Хозирча жамғарма хисобига шаҳардаги корхона, ташкилот, муассасалар жамоалари 50 минг сўмга яқин пул ўтказишди.

Яқинда уруш ва меҳнат ногиронлари ва ёлғиз қариялардан ўн бир кишига жамғарма хисобидан 500 сўмдан моддий ёрдам берилди.

Каттақўронликлар хайрли жамғарма хисобига ёрдам уюштиришни давом эттириш мөмкади. Бу эса ҳалқимизнинг саҳоватпешалигидан яна бир далолатdir.

Абдуазиз ҲОШИМОВ.

Ялпиз чаб...

БАХОР шамоли эса бошлади. Дилем хузурга тўлиб, ҳаяжонлар жунбушга келиб, кенгликни, яшилликни, хушбўй кўкатларни жуда-жуда согиниб кетдим. Би-ир ялпиз териб келайлик, дея масъул энтикиб, набирагинамни олдимга солдим-да йўлга чидим. Йўл-йўлакай фарғоналик шоира Максуда Эргашеванинг ўзбекий сатрларини дилимда тақорлайман. Ҳа, адабиётни жуда севаман, бир умр ўқитувчи бўлиб ишлаганман.

Қиширишинг қаҳри кетган бօғ саломат,
Мағрурлиги ҳўп ярашган тоғ саломат.
Қўришишга етиб келдик соғ-саломат
Қайтиб келган қалдирғочлар салом сизга.
Билар эдик, гўзаллик ҳам, баҳор голиб,
Бойчечакнинг журъатлари йўлга солиб
Ҳақни олиб, тумшуғида наврӯз олиб,
Қайтиб келган қалдирғочлар салом сизга.

Шундай қилиб дeng, дилимда шеър, аrik бўйларида fуж-fуж гуркираб ётган ялпиз, немалок, жаг'жаг, момоқаймоқ, откулолардан халта-халта териб келар эдик. Раҳматлик ойижоним кўк чучвара, кўк сомса, кўк катлама ниширадилар. «Баҳорда босиб-босиб кўк таомлар ейнтеа,— дердилар ойижоним,— соғлиқка кони фойда, ахир ялпизда эфир мойн бор, кўнгилочар дармон дорилар бор...»

Ҳартугур-ей, кичкинагина ариқчадан мидираб сув оқаяти. Шу ерда ялпиз бўлиши керак. Ҳай, кўм-кўк, митти ялпизлар гуркираб ётиди. Суюна-суюна икки-уч донасини тердиму кўзимга суртдим. Омонлик-омонлик, сира кўрмайлик ёмонлик,— дея юртимизга, элминизга омонлик тиладим. Шу кунларга етказганга бехад шукроналар айтдим. Набирам қувониб, шодлиги ичига симай, ялпизларни теришига тушди. Оҳ, оҳ, бунчалар хушбўй-а, бунеъмат. Лекин ялпизлар тезда тугаб колди, худди ширин тушга ўхшаб. Чунки бу ариқчага кимнинг қўлига нима тушса ташлаган-да. Сув ўз йўлини йўқотган боладай нигорон. Тўғри, окар сув ўзига йўл топади, дейдилар. Лекин биз ўз хатти-ҳаракатимиз билан сувга ҳам тўғаноқмиз. Ариқ четлари топталган, бора-бора ариқ не-не ташландикларга тўлиб, сув камайиб-камайиб, гўё ер қаърига сингиб кетган. Айлана-айлана бир кафтгина ялпиз билан орқага кайтдик. Кўп қаватли уйлар ёнидан ўтиб бораётib, қанчадан-қанча каровсиз, бекор ётган ерларни кўриб, ниҳоятда ачиниб кетдим. Бирор бир парчагина ёрида кашничу кўк пиёсларни кўкартириб кўйибди. Қанчалар чиройли. Баҳри-дилинг очилади. Яна бирор эса шўндок деразасининг тагидаги ерга мутлако қарамаган. Даражалар айқаш-уйкаш, ортиқча шоҳлари мутлако буталмаган. Ернинг умрига, ҳар ким ўз насибасини ердан териб олишга уринмаганига ачиниб кетдим.

Эҳ, нега ердан унумли фойдаланиши хаммамиз ҳам билавермаймиз. Ранго-ранг ноз-неъматларни, ризк-насибамишини бағрида етишириб берадиган, инсонни кафтида кўтариб турган саҳий она ерга ҳар куни, ҳар соатда куллук килсан оз. Бундок ерга энгалиб, ер юзини очиб, озгинажон койитсан, бир кафт уруғ ташласак, ўн-ўн беш бош майдан пиёзни ўтқазиб кўйисак — беш-ўн кун ўтмай кўзимизни яшнатиб, козонимизни обод қиласди-ку.


Болтиқбўйи республикалар сафари чогида кўрганларим ёдимга тушди. У ердаги ҳатто шахар ахолиси кичкина ҳовличаларидаги кафтдеккина ерга ҳам турли кўкатлар, озгин-озгинадан қарам, сабзи, қизил лавлаги, кўк пиёз, саримсок пиёз экиб, чиройли қилиб, шунчалар меҳр билан парваришилганларки, кўриб нақ ҳавасингиз келади. Биз эса юкорида айтганимдек, биримиз ердан кирк хил ноз-неъмат ундирамиз. Биримиз эса бозорга чопамиз ёки кўкатсан, қарамисиз, демак, дармон дориларсиз яшайверамиз. Ўзимизга, болаларимизга жабр қиласеверамиз.

Сирдарё вилоятининг Холос районида баҳор таомларидан уч юз хил таом тайёрлашни билишади. Ҳа, бурноғи йил бир дугонамнига борганимда кўрганман. Наврӯз байрамида улар кенг, кўм-кўк адирга тўпланишади. Аёллар, қизлар ҳар бири ўзи пиширган сумалаги-ю кўк таоми билан келади. Кўк лочира, кўк катлама, кўк чучвара, кўк юпка, кўн дўлма, кўк манти, кўк сомса... Афсуски, қолганларини ёзиб олмаган эканман. Мехмонлар ҳар биридан тотиб кўриб, баҳосини айтишади. Совринлар берилади. Эҳ, кўкатлардан тайёрланган таомлар дастурхони қанчалар обод қилиши мумкинлигини ана ўшандар кўрганман.

Азиз хамюрларимга чин дилдан мурожаат килгим келади. Ерни, сувни эъзозлаб ҳар бир қарич ердан унумли фойдалана билиш — кони савоб-ку. Қолаверса, ризк-насибамишини ҳар биримиз ўз кўдимиз билан яратсан — она Ерни эъзозлаган, бугунги иқтисодий қийинчиликнинг яхшиланишига озгина бўлса-да хисса кўшган бўламиз-ку.

Ялпиз баҳона дил сўзларимни «Ишонч» муҳлисларига ҳавола этдим. Кани нима дейишаркин?

Саодатхон КАМОЛ қизи,
Тошкентдаги «Янги шаҳар» маҳалласида
истиқомат қилювчи меҳнат фахрийи.



Яловларда баҳор нафаси...

БАХОРНИНГ ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАРИ РАЙХОН

Уни кўйганга қўйиб боғла-
нади. Бош оғриғига ҳам жуда
фойдалидир. У миядаги тўқи-
маларни очади.

Унинг қовурилган ургуни
гул ёғи ва совуқ сув билан
аралаштириб чўзилма ич ке-
тишида ичирилади.

РОВОЧ

Суви кўзга тортилса кўзни
ўтқир қиласди. Сафволи ичке-
тишига, қизамиқ ва чечакка
ҳам фойдалидир.

Илдизи сиркага қўшилиб
суртиса ва у билан сурғи
қилинса, сепкил ва теридағи
ярадан қолган изларга фойда
қиласди.

У жигар, меъдага даво.
Ички оғриқларни қолдиради.
Ҳиқимчоқ, чурра тушишдан
асрайди. Талоқни оздиради.

Илдизи овқат ҳазмининг
бузилишидан бўлган ичке-
тишида, ичак оғриқлари ва
дизентерияда, бўйрак ва қо-
вуклардаги оғриқларда, ба-
чадон оғриқлари ҳамда қон
кетишида даводир.

УКРОП

Укроп совуқ хилтларни пи-
ширувчи, оғриқларни тинч-
лантирувчи ва елларни ҳайд-
овичидир.

У шишиларни пиширади.
Кули ғовак яраларга, шира-
си қулоқ оғриғига фойдали,
айниқса, қулоқдаги рутубат-
ларни қуритади.

САДОҚАТДА САОДАТ БОР

(Бригадир Мамажон ака ҳикояси)

БРИГАДИРЛИККА янги тайнинланган кезларим. Экин майдонимиз қишлоқ четидан дарё кирғоқларигача давом этарди. Гўза гулга кирган ёз кунлар қўшни вилоятдан мусобақадошлар келишиди. Картама-карта кезарканмиз, икки калтак бир-бирига урилаётган сингари такиллаш овози ўшитилди. Дала ўйли четидаги симёғоч устида қалпок кийгизилгандек бир бօғ ҳашак қақайиб турар, унинг устидаги лайлак бир оёғига таянганича бизга қараб бошини силкитарди.

Меҳмонлар тўхтаб қолишиди. Лайлак эса ҳамон бошини соат капкири каби тинмай ликиллатарди. Кимдир кулиб юборди.

— Лайлак салом беряпти,— дедим уларга.— Меҳмонлигингизни билди.

Шу маҳал кетмонни елкасига қўйганча, сувчимиз келиб қолди. Лайлак эса уни таниганидан парво қилмади. Товушни ҳам чиқармади. Яна икки киши пахтазорнинг нариги тарафидан айланниб, симёғоч олдидан кесиб ўта бошлиди. Лайлакнинг ўтқир нигоҳи бегоналарга тушди-ю тумшуғини такиллатиб, бошини силкитишига тушди.

Уч йилдирки, бизга қўшничилик қилаётган лайлакнинг бу одатига ўрганиб қолгандик. Лекин меҳмонларга лайлакнинг қилмиши қизиқ туюлди. Қайтиб кетишар экан, улардан бири:

— Саломлашишини билмайдиган айримлар ҳеч бўлмаса шу лайлакдан ўрганишлари керак экан,— деб кўйди.

(Кўшни Тошқин қишлоғлик Абдужабборнинг айтгани)

ҚИШЛОҒИМИЗДА шоҳ йўл четидаги кекса бақатеракнинг юқори бутасига бир жуфт лайлак уя қурган эди. Баҳор фаслини гўё мана шу лайлаклар қанотларида олиб келишар, иссиқ ўлжаларга учи кетишига эса биз учун ҳаммамёт хувиллаб қолгандек туюларди.

Бир гал молларимизни ўтлоқча ҳайдаб кетаётib, қоровул қалдириғи сингари товушни ўшитиб, тўхтадик. Якка оёқда турган лайлак чўзинчоқ тумшуғини бетўхтов такиллатарди. «Шериги қани, нега бу сафар ўзи ёлғиз?» Ҳаммамёт савол назари билан бир-биришимизга қарадик.

Кун оғди. Яловдан қайтаётib, бақатерак ёнидан ўткарнамиз, такиллаш яна тақорланиди. Ёлғиз лайлак безовтала нар, атрофа ти-
нимизсан алангилар, нимадир қидиради.

— Шеригига бир нима бўлган, ўшани йўқ-
лаяпти,— деди болалардан бири.

Орадан уч кун ўтди, яна ўша аҳвол. Ҳар са-

фар яловга келганимизда бир алфозда томок тақиллатаётган лайлакни қўриб, юрагимиз ачишарди. Тўртингчи куни:

— Лайлакнинг шеригини кимдир отган экан, дадам зовур қирғоғида унинг ҳурпайиб ётган жасадини қўрибди,— деган гап топиб келди Носир деган тенгқуримиз.

Уша куни яна қайтаётib лайлакни ўрнида учратмадик. Бақатерак бутасидаги саватдай уя эса ҳувиллаб қолганди.

Шу-шу лайлаклар қишлоғимизга бошқа учеб келмайдиган бўлди.

(Собиқ овчи Аҳмадали ака хотираси)

АЙНИ кучга тўлган, навқиронлик кезларим. Урушдан қайтиб келмаган отамнинг ов милтиғини олардим-у икки-уч кунлаб тову тошларга чиқиб кетардим. Сўнгиз осмон, ниҳоясиз саҳро, мангу тоглар севған масканим эди. Бир ўқ билан кўкдаги қуши уриб тушардиди.

Бир куни овдан қайтар эканман, халтам каклик, бедана дейсизми, узунқулоқ куён билан тўлган, ҳатто олтин ранги тулки терисигана бор эди. Шунга қарамай иштиёқ қурғур одамни чалғитаркан. Ногоҳ нимадир «кув-кув»лаб қолди. Осмонга карадим юрагим гупиллаб уриб кетди. Шундокқина бошим узра баландликда қанотларини кенг ўйганча бир неча турна арғамчи тортиб ўтишарди. Қўлларим беихтиёр миллитика ёпишиди. Тоғларга акс-садо бериб, гумбирлатиб юбордим. Олдинда учётган турна ҷархалакдек айланниб мендан сал нарига бориб тушди. Турналарнинг яна бирини мўлжалга олмоқчи бўлдим. Бироқ шу заҳоти қушилар тўзғиб, юқорига гурр кўтарила бошлишиди. Ҳайрон бўлдим. Турналарнинг бунақа одатларини кўрмагандим. Уларга энди ўқ етиб бормайди. Умидни узиг, милтиғини туширдим. Турналар бесанок нукталарга айланди-ю, кутилмаганда улардан бири пастга қараб отилди. Гангид қолдим. Менга ҳужум қилмоқчими! Турнадек юввош махлук дунёда йўқ-ку, дейман.

Ўқдек учеб келаётганини нишонга олиш ҳам айтишига осон. Қандай қилиб ерга ётиб олғанимни билмайдим. Нимадир коптоказек ерга тўп этиб урилгани ўшитилди. Бошимни кўтарибди. Қайси кўзим билан кўрайки, мендан сал нарида, ўқ теккан турна ёнида иккинчи турна ҳам чалканча ётарди. Қўнглим ғаш бўлди. Нахотки жуфтига садоқат шунчалар бўлса, дейман... Садоқатда — саодат деб, шунга айтишса керак-да.

Шу-шу, қўлимга милтиқ олмайдиган бўлдим. Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ва фан ходимлари касаба ўюшмаси Марказий Қўмитаси ташаббуси билан Қорақалпогистоннинг Хўжайли шаҳрида ўтказилган «Очиқ ҳатлар куни»га қизиқши бениҳоя катта бўлди. Ҳокимиятнинг маъжислар залига райондаги 5000га яқин муаллимларнинг 250 дан ортиқ вакиллари тўпланишиди.

Мазкур тадбирни Хўжайли район ҳокими Сапарбой Нурхўжаев қисқача нутқ сўзлаб очди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ва фан ходимлари касаба ўюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Ёрқин Зокирович Файзуллаев ийғилганлар ҳузурида гапириб, хўжайлилар музаллимлар вакилларини ошкора муюлкотга давват этди. У мустақил Республика изда Президент Ислом Абдуганиевич Каримов раҳбарлигида халқ таълимини ривожлантириши соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳамда музаллимларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар борасида атрофлича тўхталди.

Райондаги Ажиниёз номли мактаб ўқитувчиси Сарсенбой Омониёзов:

— Мактабда курилиш материаллари етишмаяпти. Айниқса, мактаб доскаси жуда мухтожмиз. Шу масала да ёрдам бўлармикин?

Қорақалпогистон халқ таълими вазири Тотлимурод Отамуродов:

— Хозир вазирик омборларида 200 дона доскалар ётиди. Киммат, сифати паст. Илгарилари бундай зарур нарсаларни чекланмаган миқдорда Белорусиядан олар эдик. Мактаблар факат ишонч қофози билан олишарди. Хозир эса нақд пул тўлаш лозим, бўлади. Якинда мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масаласи кўриб чиқилди. Таъминот марказлаштирилди. Бу ҳақда Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг кўрсатмаси бор. Яна бир масала: умумтаълим мактаблари ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиб, ўзларининг маблағлари, банкларда маҳсус хисобларига эга бўляяптилар.

С. Омониёзов:

— Мактабимизда ошхона ташкил этишда ёрдамга мухтожмиз. Амалий ёрдам берилса.

Қорақалпогистон халқ таълими вазири Т. Отамуродов:

— Бу масалани ҳал килиш учун «Водник» посёлкасидаги кема ремонтни заводи маъмурини билан келишганимиз, маҳсус ошхона куриш жорий йилда бошланади.

Оржоникидзе номли мактаб директори Наталия Киличева:

— Президентимиз Ислом Каримовга минг бора раҳмат, музаллимларга катта имтиёзлар яратиб беряпти. Аммо, шаҳар ҳокимиётидаги ўқитувчиларнинг ўй-жой шароитини яхшилаш ҳақидаги аризаларига бефарқ қаралмоқда. Мактабимизда 3 нафар ўқитувчи квартира сўраб ариза ёди, аризалари қайтарилди. Буни қандай тушуниш керак?

Район ҳокими С. Нурхўжаев:

— Аризани қабул кильмаслик асло мумкин эмас. Юз берган англашмовчилик тезда барҳам топади. Лекин ҳозирги шароитни ҳам дуруст баҳоламоқ керак. Маблаги бор ташкилотлар ўй-жой куриш билан шуғулланаяпти. Аммо, ҳокимиёт баҳона излаб кўл қовуштириб ўтирамаяпти. Имконини топиб ўй-жой куриш билан шуғулланади.

Н. Киличева:

— Магазинларда қанд ва конфетлар деярли йўқ. Борлари ҳам нега бозорда? Нега Хўжайли шаҳрни ободонлаштириш ишларига ўтибор кам?

Район ҳокими С. Нурхўжаев:

— Ҳозирги кунда Президентимизнинг ташаббуси билан жойларда ўтирик, пораҳурлик, уюшган жиноятчиликка қарши аёвсиз кураш бошланди. Хўжайли районни ҳам бундан истисно эмас. Тартиб-интизомни саклаш учун маҳсус гурух тузилди, назорат кучайтирилди, 30 дан ортиқ тижорат дўконлари ёпилди. Президент кўрсатмасига биноан меъёрлаштирилган (талон билан) озиқ-овқат махсулотларини четга чиқаришга уринган шахслар каттиқ жазоламоқда. Баъзиларнинг ишлари судга оширилди.

Шу ўринда савол юзасидан ўзбекистон Республикаси халқ таълими ва фан ходимлари касаба ўюшмаси

Марказий Қўмитаси раиси Ё. З. Файзуллаев қўшимча қилди:

— Сизнинг ўтиборингизга шу фактни ҳавола қилмоқчиман: республикадаги 80 фоиз тижорат дўконлари ёпилди. Меъёрлаштирилган (талондаги) махсулотлар асло тижорат магазинлари пештахталарига чиқилмайди.

— Ободонлаштириш ҳаммамизнинг ишмиз. Бу масалада музаллимлар куюнчаклик қиласётгани бизни фоят хурсанд қиласди.

Хозир Хўжайли, Тахиатош шаҳарларини ободонлаштиришнинг биринчи босқичи бўйича аник тадбирлар ишлаб чиқилди. Уни рўёбга чиқариш

ОШКОРА МУЛОКОТ

учун ҳамма баробар масъулият билан ёндошиши керак.

Макаренко номли мактаб музалими А. Қалиев:

— Баъзи мактаблар ўқитувчилари маориф бўлимiga, техник ходимлар эса овлу Советларидан олади, уларга маҳаллий бюджетдан ажратилиди. Раҳбарлик марказлаштирилиши керак?

Район маориф бўлими мудири Узбекберган Имомадинов:

— Ҳақиқатан ҳам шаҳардан ташкири мавжуд 50 та мактабларнинг 14 тасидаги ўқитувчилар маъмурӣ жиҳатдан маориф бўлимiga бўйсунади, холос. Қолганилари ойлик маошини овлу Советларидан олади, уларга маҳаллий бюджетдан ажратилиди. Раҳбарлик марказлаштирилиши керак.

Район ҳокими С. Нурхўжаев:

— Ҳадемай маориф соҳасидаги кўш ҳокимиёт барҳам топади. Бу юзасидан тез муддатда ҳокимиёт фармийши берилади.

Бердаҳ номли мактаб музалими Тожибий Абдуллаев:

— Химия фани лаборантларига, ёнғинга қарши курашувчи масъул шахсларга қўшимча ҳак тўланадими?

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ва фан ходимлари касаба ўюшмаси Марказий Қўмитаси бош техник инспектори Э. Д. Гойиназаров:

— Химия лаборантларига, баъзи техник ходимларга ойлик маошига 12 фоиз, ёнғинга қарши кураш олиб борувчи масъул шахсларга 30 фоиз қўшимча ҳак берилади.

Шаҳар маориф бўлими инспекторлари номидан Ж. Жиянбоев:

1. 1993-йил 1 январдан маориф тармогининг бошқа ходимлари, умуми барча соҳаларда ишловчилар маоши ошди. Мактаб инспекторларини чиқарничи?

2. Район ҳудуди катта. Ҳизмат юзасидан баъзан 65—70 километрга боришига тўғри келади. Ҳизмат сафарига ҳак тўланадими?

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ва фан ходимлари касаба ўюшмаси

маси Марказий Қўмитаси молия бошкармаси бошлиги Абдурашид Абдувоҳидов:

— Биринчи саволга жавоб: 1993-йил 1 январдан ўтиборан янги тариф белгиланиб, ўшанда барча мансабдагиларнинг ойлик иш ҳақи қатъий белгиланган. Демак, маориф бўлимларининг мактаблар инспекторлари маоши ҳам белгиланган тариф бўйича оширилди.

Сафардаги юрган вакт учун ҳақ тўлашни ўзингиз ишлаб чиқарган маориф бўлими бухгалтерияси ҳал қилиш хукукига эга. Фақат йил учун тузилган сметага хизмат сафарлари учун маблағ ажратса бас.

Қорақалпогистон халқ таълими вазири Т. Отамуродовнинг қўшимча изоҳи:

— Хизмат сафари учун ҳақ тўлаш учун лимит ажратилган. Ҳақ тўлашнади.

Муаллим А. Аҳмедов:

1. Нафака олувчилар маъмурият билан шартнома тузишда нима учун касаба ўюшмаси иштирок килмайди? Ҳалқ таълими ва фан ходимлари касаба ўюшмаси Марказий Қўмитаси бу масала билан шуғулланадими?

2. Маориф бўлимида ишловчи инспекторларга, методистларга имтиёз-

дими? Районимизда паҳта тозалаш ва ёғ заводлари бор, аҳолига бериладиган ем микдорини кўпайтиришнинг чораси йўқмикан?

Район ҳокими С. Нурхўжаев:

— Моллар учун ем ажратилган, аммо ҳали етарили эмас. Районда паҳта тозалаш ва ёғ заводлари бўлгани билан уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўзбошимчалик билан таксимлашга ҳеч кимга хукук берилмаган. Акс ҳолда шу турдаги корхоналари йўқ, районларни таъминлаш иложи бўлмайди. Таклифим: огулларда истиқомат килювчи маориф ходимлари, марҳамат, ижарапа ер ажратиб олинг, экинг. Ўзингизга ҳам, давлатга ҳам кета фойда.

2-мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариши комбинати ҳодими Турсунбой Холмуродов:

— Шартнома тузмаган нафакадаги ўқитувчи нафака билан бир пайтда ойлик маоши ҳам олиши мумкинми?

Ўзбекистон халқ таълими ва фан ходимлари касаба ўюшмаси Марказий Қўмитаси бош хукук инспектори Ҳамидулла Исматуллаев:

— Амалдаги Ўзбекистон Мехнат Конунининг 22-моддаси биринчи бандига биноан нафака ёшидаги шахс иккى йилга маъмурият билан шартнома тузиши шарт. Акс ҳолда иш ҳақи тўланмайди.

Ўқитувчи Ш. Мадаминова:

— Қишлоқларда ишловчи жамоа ва давлат хўжалиги азоларига айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари арzon баҳода сотилияпти. Бу имтиёз ўқитувчиларга тааллуқли эмас, нега? Биз ахир ўша қишлоқ фарзандларига таълим берамиз-ку?

Ҳукуқшунос Ҳ. Исматуллаев:

— Ўқитувчиларга арzon баҳода қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бериш ўша жамоа ёки давлат хўжалиги имкониятига боғлик. Лекин, иложи бўлса таъминлаши керак.

Ленин, номли мактаб ўқитувчisi Ж. Асабоев:

— Мактабимиздаги 30 нафар ўқитувчилар шаҳардан овулга қатнаб ишлайдилар. Уларга автотранспортда катнов учун имтиёз бўлмасмикин?

Ҳукуқшунос Ҳ. Исматуллаев:

— Бу маҳаллий ҳокимиётга боғлик. Иктисад кўтарса имтиёз бериши мумкин.

Шевченко номли мактаб ўқитувчи Г. Бобоҷонова:

1. Фарзанди бир ярим ёшгача уйда ўтирган аёлларнинг нафакасига қўшимча товои пули тўланмайди. Шу тўғрими?

2. Боласи уч ёшга тўлгунча уйда ўтирган аёлларга қанча микдорда нафака тўланади?

Марказий Қўмита молия бўлими бошлиги Абдурашид Абдувоҳидов:

— Боласи бир ярим ёшгача уйда ўтирган аёлларга ойига 165 сўм тўланади. Товои пули йўқ.

— Фарзанди уч ёшгача бўлган, уйда ўтирган аёлларга ойига 120 сўм тўланади. Хозир 50 фоизга оширилди.

«Октябрь 60 йиллиги» мактаби директори Алексей Иванович Ли:

— 427 ўринли мактабни гўшт комбинати микрорайонида қуриш, водопровод билан таъминлаш ҳаддан ташқари чўзилиб кетди. Қачон ижобий жавоб бўлади?

Шаҳар ҳокими Матниёз Рейимбоев:

— 427 ўринли мактаб курилиши келаси йил бошланади, лойиҳа хужжатлари тайёр. Мактабгача бир ярим киломатр масофада водопровод кувурлари ёткизилади.

Ошкора мuloқotda шунингдек, мактабларни озиқ-овқат билан таъминлаш, ичимлик суви, табии газ, ўй-жой, томорқа ер ҳақидаги кўплаб саволлар берилди.

«Очиқ ҳатлар куни» иштирокчилари барча саволларга аниқ ва лўнда жавоблар олиши.

Мазкур тадбирни ўтказишида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ва фан ходимлари касаба ўюшмаси Марказий Қўмитаси раиси муовини Асқарали Шокирович Султонов, халқ таълими ва фан ходимлари касаба ўюшмаси Коракал



МАҲСУЛОТЛАР ЎЗ ИСТЕМОЛЧИЛАРИНИ ИЗЛАЯПТИ

Яқинда «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» давлат кооператив қўмитасида ўтказилган анжуманга республикамиздаги ва Марказий Осиё давлатларидағи тармоқ корхоналари ва ташкилотларининг директорлари, шунингдек савдо ва тижорат ташкилотларининг вакиллари тақлиф этилди. Қўмита биносининг ҳовлисида бу соҳада ишлатиладиган хилма-хил техника кўргазмаси ўюштирилди. Махсус залда эса техника янгиликлари билан бирга ҳалқ истеъмол моллари ҳам намойиш қилинди. Қишлоқ хўжалик ускуналари, сопол буюмлар, кийим-кечаклар, пойабзал намуналари бу ерга келганлар эътиборини жалб қилди. Янгийул район машина-синон станциясида тайёрланган маккажўхори қаламчалари айниқса кўпчиликка мансур бўлди.

Кўргазманинг очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдуҳошим Муталов, Бош вазирининг биринчи ўринбосари Ислом Жўрабековлар қатнашдилар.

Хукумат раҳбарлари кўргазма ташкилотчилари мухим ишга қўл урганикларини таъкидлаб, айни вақтда моллар сифатини дунё бозоридаги рақобатга бардош бера оладиган даражага кўтариши керак, деган истак билдирилар.

«РАМЗ» САВДО УЙИ: БИЗ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ВА ИСТЕМОЛЧИЛАРГА БИР-БИРЛАРИНИ ТОПИШДА КЎМАҚЛАШАМИЗ!

Кўргазма ишлаб турган кунларда «РАМЗ» савдо уйи очилди. Савдо уйининг бош директори Мухаббат Абдулаевна Худайкулиева мухбиримизга бундай деди:

— Илгари ишлаб чиқариш воситаларининг ҳаммаси, шу жумладан қишлоқ хўжалик техникиаси Давлат режа ва таъминот қўмиталари томонидан тақсимланиб бериларди. Энди бу ташкилотлар тутатилган, марказдан таъминланишга умид боғлаб ўтиришдан фойда йўқ. Кўпигина иктисодий алокалар узилиб қолга, корхоналардаги кувватларнинг ярми ишламай колди. «РАМЗ» савдо уйининг максади — ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида алоқа боғлашда, ўзаро манфаатли шартномалар тузишда кўмаклашишдир.

Хозир биржа, брокер, маркетинг сингари ажнабий сўзлар ва тушунчалар тез-тез ишлатиладиган бўлиб колди. Буларнинг ҳаммаси республикамиз интилаётган бозор иктисодиётига тааллукли тушунчалардир.





Бозор — харидор билан сотувчи учрашадиган жой, маркетинг эса — уларнинг учрашувига кўмаклашадиган фаолиятдир. «РАМЗ» савдо уйининг маркетинг фаолияти олди-сотти, махсулотлар турини режалаш операцияларини, бозорни ўрганиш, молларнинг бозорга чиқишини тезлаштириш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш ва хоказоларни камраб олади. Талабни ўрганиб, биз хозир истеъмолчиларга қандай моллар кераклигини ишлаб чиқарувчиларга айтиб турамиз. Бу эса корхоналаримиз баркарор ишлаб, ҳалқ учун зарур махсулотлар тайёрлантига ёрдам беради.

Бизнинг муассисларимиз — «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» давлат кооператив қўмитаси, «Сельхозремонт» фирмаси, «Селькомплект» республика бирлашмаси, Чимкент вилояти «ОРДОБАСИ» савдо уйи ва бошқа айрим ташкилотлардир.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-й.

Телефон: 44-08-06, 44-09-00

**КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИНИ,
ТИЖОРАТЧИЛАРНИ «РАМЗ» САВДО УИГА ТАҚЛИФ ҚИЛА-
МИЗ, БИЗ СИЗЛАРНИНГ МУАММОЛАРИНГИЗНИ ҲАЛ ЭТИШДА
КЎМАҚЛАШИШГА ДОИМ ТАЙЁРМИЗ.**



Суратларда: Тошкент вилояти Зангиота районидаги
Ўрта Осиё тажриба заводи, Жиззах, Далварзин ремонт
заводи, Қўқон мотор ремонт заводида тайёрланган
турли хил техника воситалари кўргазмаси акс этган.
Даврон АҲМАД олган суратлар,

ХОСИЯТЛИ КУН

Тошкент шаҳар меҳнат-кашларининг Наврўзга атаб 13 марта шанбалик ўтказиш, ўлкамизни гулга буркаш, миллий байрамимизни орасталик билан кутиб олиш юзасидан бошлаган ташаббуслари барча жойларда кенг қўллаб-кувватламоқда. Ҳозироқ шанбаликнамунали ўтказиш юзасидан тайёргарлик ишлари қизғин бошланиб кетди. Бу ишга касаба ўюшмалари қўмиталари бош-қош бўлмоқдалар.

Бу йилги Наврўз байрами хосиятли кунларга тўғри келаяпти — деди жамоатчи мухбирларимиз билан суббатда Тошкент шаҳар касаба ўюшмалари кенгаши ташкилий ва маданий-оммавий ишлар бўлими мудириянинг муовини Фозил Рўзибеков, — Машойхларнинг ёзишича, «Агар, Наврўз якшанба куни кирса, ул кун Шамска (Күёшга) тааллук бўлур. Ул йил... тўқлик бўлгай. Фитна, ёмонлик оз бўлгай. Богдаги фолиз (полиз)га барака бергай.» Айнан бу йил Наврўз 21 марта — якшанба кунига тўғри келаяпти. Демак, янги йилимизда тўқчилик ва тинчлик баркарор бўлишига умид боғлаш мумкин. Шу боисдан хосиятли байрамимизни ҳар томонлама тайёргарлик кўрган ҳолда кутиб олсан, байрам баҳона ўлкамизни гулдек яшнатсан, рўзгорга кутбарака кириласак арзиди.

13 марта куни жойларда бажариладиган юмушлар режаси тузиб олинди. Умумхалқ ҳашари ўтказиш ташаббускорларидан Чкалов номли самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоалари 13 марта тўлиқ иш куни деб эълон қилганлар. Ишчилар ўз ўринларидан бўлиб, саноат махсулотлари ишлаб чиқарадилар. Идора ходимлари эса теварак-атрофи ободоилаштиришда иштирок этадилар.

Ташаббускорлардан яна бир — Собир Раҳимов районидаги «Намуна» маҳалласи аҳолиси эса сув шаҳобчаларини тартибида келтиради, гул ва дараҳт кўчатлари ўтказади, атрофни саронжомсарини килади. Бошқа жойларда ҳам аниқ иш режалари белгилаб олинди.

Куни кеча касаба ўюшмалари қўмиталари раислари иштироқида кенгаши ўтказдик. Унда умумхалқ ҳашарини намунали ўтказиш юзасидан касаба ўюшмалари олдидаги турган вазифалар аниқ белгилаб олинди. Улар меҳнат ҳавфисизлигини таъминлайдилар, иш кўлами яратадилар, яхши ишлабланарни рағбатлантирадилар, ҳашарчиларга хизматни ташкил этадилар.

Хозир шаҳар ҳокимлиги хузурида умумхалқ ҳашарини ўтказувчи қароргоҳ тузилган. Шаҳар касаба ўюшмалари кенгаши раиси ҳам унга аъзо бўлгиладиган тадбирларни бажаришга касаба ўюшмалари ўз хиссаларини кўшмоқда. Биз барча кишиларни умумхалқ ҳашаридан фаол катнишишга, Наврўз байрамини пухта хозирлик билан кутиб олишга даттават этамиз.



Саволларга Тошкент Давлат иқтисодиёт университети хукуқ кафедрасининг катта ўқитувчиси Йўлдош Турсунов жавоб беради:

Мен Афғон урушининг қатнашичисиман. Ўрушда ўнг оёғимдан яраланиб (осколка теккан) дала тиббий қисмида даволанишимга туғри келган. Ҳозир менинг бир қатор имтиёзлардан фойдаланиш ҳақида гувоҳномам бор, аммо ярадор бўлиб тузалганлигим тўғрисида ҳеч қандай ҳужжатим йўқ. Жароҳат олганлигим туфайли мен нафақага чиқишум мумкини, давлат томонидан яна қандай ёрдам кўрсатилади?

З. БОБОЖНОВ,
Жиззах вилояти, Фаллаорол райони,
Қўйтош қўргони.

Собик Совет Иттифоқи чекланган кўшинлари таркибида Афғонистон республикасида харбий хизматни ўтаган ва жанговар ҳаракатлар-

да катнашган шахсларга бериладиган имтиёзлар тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозир амалда бўлган коидаларга биноан афғон уруши иштирокчиларига

Мен шахсий нафақа олувчиман. Лекин ҳозирда барча нафақа олувчилар қатори нафақа оламан. Шахсий нафақа олувчиларга қандай имтиёзлар белгилангани тўғрисида маълумот берсангиз.

С. ҚУДРАТОВ,
Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз
райони «Пахтакор» жамоа ҳўжалиги.

Газета таҳририяти сиз ёзган мактуб билан танишиб чиқди ва сизга маълум қиласиди, шахсий нафақалар тайинлаш, шахсий нафақа олувчиларга имтиёзлар беришига оид масалалар собик Иттифоқ хукумати томонидан тасдиқланган хукукий актларга биноан тартиба солиб келинади. Бу масалада Ўзбекистон ўз

хукукий актларини ҳозирча кабул килгани йўқ. Юқорида эслатилган собик Иттифоқ хукумати хукукий ҳужжатларида шахсий нафақа олувчи шахслар ва улар билан бирга яшаб турган оила аъзоларига бир қатор имтиёзлар берилиши кўзда тутилган.

Жумладан, шахсий нафақа олувчи ва у билан

улар яшаб турган давлат ёки жамоат турар жойлари, бепул шахсий мулк килиб берилмоқда, уларга бошка турдаги социал ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Сизни ногиронлик нафакаси билан таъминланишингизга келсак, ногиронлигинги ва у афғон уруши оқибатида юз берганлиги тиббий меҳнат экспертлар комиссияси томонидан белгиланмоғи керак. Уруш ҳаракатлари давомида яраланганлигинги факти тегишли район харбий комиссариати органлари кўмагида ҳарбий архивлардан зарур ҳужжатларни талаб қилиш йўли билан аникланиши мумкин.

Ногиронлигинги белгиланган тартибда аникланмаса, сизга ногиронлик нафакаси тайинланмайди.

бирга яшаб турган оила аъзолари квартира ҳакининг 50 фоизини, иситиш, сув, газ, электр энергияси,

канализациядан фойдаланганлик учун белгиланган ҳакнинг 50 фоизини тўлайдилар. Шахсий

нафақа олувчи ва унинг карамоғида бўлган оила

аъзолари махсус тиббиёт хизмати кўрсатилишида

имтиёздан фойдаланадилар, улар ўзлари биринчирилган поликлиника

врачлари рецептига мувофиқ сотиб олинадиган дори-дармонларнинг 20 фойзи кийматини тўлайдилар.

Ҳозирги пайтда нафақа масаласига онд Ўзбекистон Конуни ишлаб чиқилмоқда.

ланади.

Ҳозирги пайтда бир ярим ёшга етмаган болани парваришаётган оналарга 165 сўм, 3 ёшгача болани парваришаётган оналарга ҳар бир бола учун 120 сўм микдорида нафақа берилади.

Бундан ташқари сиз иш ахтарувчи сифатида ўз районингиз иш билан таъминлашга кўмаклашувни идораларида хисобга туришингиз ва то иш топилгунга қадар конунда белгиланган микдорда (энгоз иш ҳакининг 75 фоизи) ишсизлик нафакаси олишингиз мумкин.

Ҳозир нархи ошмаган нарса ва хизмат ҳақи колмади ҳисоб. Почта орқали хат, пул ва буюмларни белгиланган жойларга жўнатиш ҳақи ҳам ошганлигини эшитяни миз. Уларни жўнатиш учун жорий этилган янги тариф билан таниши тирсангиз.

Ҳ. БАҲОДИРОВ,
Тошкент шаҳри.

Қўйида саволга жавоб тариқасида «Тошкент почтаси» давлат ишлаб чиқариш корхонаси тақдим этган 1993 йил 1 февралдан бошлаб республикамизда айрим почта алоқаси хизматлари учун жорий этилган янги тарифларни маълум қиласиз.

Хизмат турлари

Ахоли учун Идоралар ва
(фуқаролар) корхоналар учун

Оғирлиги 20 г. гача бўлган хатларни жўнатиш

1 сўм 1 сўм

Хат жилд нархи билан

2 сўм 2 сўм

Почта карточкалари

1 сўм 1 сўм

35 тийин 35 тийин

Тез муддатли ҳарбий хизматчилар номига юбориладиган хат (жилд нархи билан)

1 сўм 60 тийин 2 сўм

Оғирлиги 20 г. гача бўлган ҳалқаро хатларни жўнатиш

13 сўм 13 сўм

Хат жилд нархи билан

14 сўм 14 сўм

Оғирлиги 20 г. гача бўлган, ҳаво йўли билан жўнатиладиган ҳалқаро хатлар

15 сўм 15 сўм

Хат жилд нархи билан

16 сўм 16 сўм

Оғирлиги 20 г. гача бўлган оддий бандеролларни жўнатиш

10 сўм 20 сўм

Оғирлиги 20 г. гача бўлган буюртма бандеролларни жўнатиш

14 сўм 30 сўм

Масофаси 600 км. гача бўлган, баҳоси эълон қилинмаган оғирлиги 1 кг. гача бўлган посылка жўнатмаси

40 сўм 50 сўм

Шунинг ўзи, тайёра орқали

80 сўм 100 сўм

Почта орқали 100 сўм пулни жўнатиш

16 сўм 16 сўм

Оддий телеграмма ни жўнатиш, 1 дона сўз учун

44 тийин 3 сўм

Ҳамма хизмат турларига оид тарифлар ҳақида маълумотларни алоқа тармоқларидан батафсил билди олишингиз мумкин.

Эрим вафот қилгунга қадар ўқитувчи бўлиб ишлар, маоши 142 сўм эди. 6 боламга нафақа оламан. Ҳозир ўқитувчиларнинг маошлари бир неча марта ошиди, шу туфайли нафақа эримнинг ҳам маоши оширилганлиги ҳисобидан белгиланадими?

С. ИСМОИЛОВА,
Сирдарё вилояти.

Мен институтнинг бешинчи курсида ўқиётганимда биринчи фарзандим тугилди. 1992 йили июль ойидаги институтни битирдим. Ишга жойлашишга улгурмасимдан иккичи фарзандли бўлдим. Турмуш ўртагим оига беш минг сўм маош олади. Тириклигимиз учун бу етмайди. Болаларимиз учун қандай миқдорда нафақа оламиз, у ким томонидан берилади?

Л. АЪЗАМОВА,
Тошкент вилояти,
Ғазалкент шаҳри.

Амалдаги қонунчилик кўра бола парвариши билан банд бўлсан аёлларга болалари учун у ишлаб турган жойда, агар ишламаётган бўлса, у ҳолда турмуш ўрто-

ги ишлаб турган жойда нафақа тўланади. Мабодо эр-хотин ҳам ишламаётган бўлсалар, у ҳолда нафақа улар доимий яшаб турган район ижтимоний таъминоти идораси томонидан тў-

ва кайта ҳисоблаш 1992 йилгача бўлган иш ҳақлари тузатувчи коэффициентлар асосида белгиланади. Боқувчисини йўқотган оиланинг нафақа миқдори боқувчига хаёт пайтида қайси йил ҳисобидан тўланган бўлса, ўша йил маоши коэффициенти асосида берилади. Ҳар бир болангиз учун эса 30 фоиз миқдорида нафақа тайинланади. Лекин ҳар бир болага тўғри келадиган миқдор 1250 сўмдан кам бўлмаслиги керак.



МАНЗУРА Темировани ахтариб Сирдарё яқинидаги Олахамак қишлоғига борганимда мактабдан чикаётган ўқувчилар торгина күчани күрсатышди. Бироз юргач, учтұрт аёл тұлапниб турған ерга келиб тұхтадим вә улардан яна суриширдім.

— Нима гапингиз бор? — сүради улардан бири ажралиб чиқиб.

Ташрифим сабабини айтдым.

Аёл сергакланды.

— Мен онасиман. Ким газетага ёзибди? Нима деб ёзибди?

Хатни Манзура юборгандылыгини билдirdim.

— Мен ҳозир отасини чақираман.

Тахталари офтоб тиғида қовжираб кетген күш табақали дарвоза очилиб ичкаридан соч-соқоли оқарған киши чиқиб келди. Турмуш ташвишлари из солған қызыларға, ҳорғын күзларыга назар ташларканман. М. Темированинг ёзіб баён қылғанидек, қаршымдағы нуроний учун ўн фарзандиң бояқиб тарбиялаш осон кечмәттегандылыгини чуқуррок ҳис этдім. Бунинг устига қанча меңнат, мاشаққат билан ўстирган боланғыз ҳәётдан ўз үрнини топиб кетса-ку нур устига нур, топмаса-чи? Манзура сингари иккі-үч фарзандиң бүлганида рүзғори бузилип ўзига күшиб норасидаларини ҳам етаклаб қайтиб келиб тұрса-чи!

— Вой қизи түшмагур-ей, оқсоқол ўзбекона соддалиқ ва бағри кенглик билан бош қайқади. — Бизгаям бир оғиз учини чиқармалығын күринг!

Мен Манзуранинг ҳаракатида ҳеч қанақа ғайри-табииийлик йүқлигини анлатынша уриндим.

— Жонидан ўтғач, ёзғандир-да, — отахон фикримга күшилди. — Шу дәнг, күевимиз түшмагур сал нобопроқ чиқди-да. Ахир, ўз пүшти камаридан туғылған меросхұрларидан хабар олмаслық гунохы азим-ку, ука!

Оқсоқолнинг ҳастратини тинглейману Наманған район ҳалқ судьяси, бу соҳада узок үйлар тер тұқиб сочи оқарған Чаман ақа Мадмусаевнинг сүзләри ёдимга келади.

— Гоҳо бошим қотади, — дейди Чаман ақа М. Темированинг мактуби билан танишиб чиққа. — Одамларға нима бўляпти ўзи? Оиласда арзимас низо чиқдими, ажралиш учун ариза битишга шошилишади. Доноларнинг эр-хотиннинг уриши, дока рўмолнинг куриши, деган насиҳатлари қаёқда қолаяпти. Биргина бизнинг районда 1992-йилда юздан ортиқ шұнга доир иш кўрилганлигини оқлаш мүмкинми? Ишонасизми, қабулимга ўзимиз таклиф этмаган эркак ёки аёл кириб келса, ҳавотирга тушадиган бўлиб қолдим.

Судья гап орасида қатор «ишлар»ни стол тепасига кўйди.

— Каранг, манавинисида эрим менга яхши қарамаяпти, ҳолимдан хабар олмаяпти, нуқул ўшқириб муюмала килади. Бунақа кўпол инсон билан яшашни истамайман,—деб ариза бер-

япти. Ахволни ўргансак, эр тұппа-тузуккина үйит. «Айби» оддий колхозчи. Топиши ҳисоб-китобли. Баъзилар каби янги чиққан «ялтыр-юлтур» кийимлардан олиб берішга ҳар доим ҳам қодир эмас. Келин эса оғзи маймокроқ ҳонадонда вояға етган экан. Ишдан ҳориб қайтган бечорага аёл тинимсиз вижиллайвергач, жаҳл устида ўшқири-шашқири. Шу билан оила бархам топиши керакми?

Ч. Мадмусаев иккінчи «иш»ни варалаб күрсатди.

— Улар-ку ёш, аммо кексалик останасида туриб ақлларини йүқотгандарга нима дейсиз! Турсунбай ақа деган одам ўғлини уйлаб қызини узатганида хотини билан ҳарактери келишмай қолғанмиш. Қани энді уни ин-

кишлек аёлининг, иккі фарзанд она-сининг күлгә қалам олиши, бутун умри дала, меңнат, тириклик ташвишлари билан ўтаётган оқсоқол мунгли нидисининг юрак қаъридан ситилиб чиқишлиги беҳудага эмас, албатта. Мана, Манзура Темирова ёзғандарини ўқынғ: «Қизим Муаззам, ўғлим Музаффар билан 1981 йилдан бери енгил табиат ота қылғиликлари касрени тортиб дўзах азобида яшаб келмоқдамиз. У киши хоҳлаган пайтида ва хоҳлаган усулида нафақа тұлайды. Масалан, 1992 йилнинг апрель, май ойлари учун 75 сүмдан пул келди, холос. Бoshимдан ўтказғанимдан кейин хотинлар нега ўзларига ўт қойишаётгандарлар болисини тушундим».

Манзуранинг күйинганича бор. Бу-

дим. Суддагилар Маъруфжон Раҳимов ҳамон бекор юрганлигини, лекин ундан 600 сүм нафақа үндирилғанлигини, бундан буён ишлаш-ишламаслигидан қатъий назар ойига тегиши миқдорда нафақа тұлаб турғанда қызында қаттық огохлантирилғанлигини, бунга риоя этмаса, жинон жавобгарларника тортышгача жазо олишилиги мүмкінлиги үқтирилғанлигини айтишиди.

Олахамак қишлоғига иккінчи дағъя ийлім түшганида ҳам аввалгидек Манзуранинг ота-онаси кутиб олишиди. Отахон ҳовли ичкарисидан набирасини чақирди. Мактуб муаллифи «ўғлим Музаффар» деб номини тилга олган ёқимтойгина бола шу экан. Бўйи чўзилиб қолибди, 7-синфда ўқиркан. Оқсоқол гап орасида:

— Маъруфжони ишламаяпти деғанларни нотўғри. Қишлоғимизда хонадонларга газ туширилти. Фақат ишга расмийлаштиришмаган шекилли, — деб қолди.

Шу лаҳза район судида эшитганларим «лоп» этиб ҳаёлимга тушди. Нега бирон жойга ўрнашмаялпиз, дейиша:

— Каерга жойлашсам эртасига Манзура етиб боради, түполон кўтариб, мени ёмон отлиққа чиқаради, — деган важ күрсатиби.

Яна ким билади...

Музаффарлар боболариникидан анча нарида, янги курилган ҳовлида яшашаркан. Онасини чақирғани кирған бола сал ўтмасдан қайтиб чиқди.

— Тошбулоққа, судга учрагани кетибди, — деди бўшашибгина.

Мен Музаффардан отаси билан муносабатини суриширдим. Бола ерга қаради.

— Кўришмаймиз. Кўчада дуч келсак ҳам индамайди.

— Сенга ҳеч қанақа ёрдам бермайдими?

Музаффар бошини сараклатди.

— Олдинлари учтұрт сүм берип турарди. — Пича жим қолди-да, сөкингина кўшиб кўйди. — Энди берсаям олмайман. Керакмас. Бултур опоғдадам берган ғунажинимиз туғди. Ўзим бокялман. Баҳорда бузогини сотарканмиз. Ўшандар пулимиз кўп бўлалиди. Муаззам опамгаям кўйлак олами.

Ер остидан тикилдим. Музаффарнинг киприкларида нам ялтиради. Бу ерда ортиқча турға олмаслигимни сездим. Қалбимда бир истак түғён урарди. Музаффар сингари тирик етимлар кўзидаги ёшни Маъруфжон каби бевафо оталар кўришларини ва унинг маъносини тушунишларини, арзимас сабаб билан тақдир иппарини узаётган эр-хотинлар ўз норасидаларининг эртанги куни қандай бўлишларини чуқуррок идрок килиб, англаб етишларини жуда-жуда хоҳлардим.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мұхбири.

соғға келтириб кўринг-чи!

Судьянинг қайта-қайта таъкидлашича баривиб, ажралишларнинг асосий қисми ёшлар гарданига түшяпти. Тўқлилка шўхлик қилаётган айрим ота-оналар туфайли мактабни битирар-битирмас күёвлик либосини кияётган йигитчалар «оила», деб атальмиш жамиятимизнинг бош бўғинини ўйинчоққа айлантириб юборишиятни. Қолаверса, бу фожиа бўйни ишга ён бермасдан кеча-кундуз кўча кезицандан бўшамайдиган тақасалтандар хисобига түғри келдити.

Ч. Мадмусаевнинг мулҳазаси вилюят хотин-қизлар кенгашининг раиси Дилдора Аҳмедованинг қўйидаги айтгандарига ҳамоҳангдек эди:

— Битта оиланинг үддасидан чиқиб юриш, бола-чақасининг бирорга кўзини мўлтиратмаслик катта қаҳрамонлик, — деб қолди у бир гал сұхбатлашиб ўтирганимизда. — Ана шу вазифани үддасидан чиқа олмайдигандарни чинакамига ота, эркак дейишига тил бормайди.

Ҳа, сув тўла косанинг чайқалиб тўкилиши учун томчи кифоя. Оддий

гунга келиб бир кило гўштнинг нархи 350 сўмгача кўтарилиган, ноннинг ҳар донаси ўн сўмданга сотилаётган маҳалда ҳалқимиз ҳурмат-эътибор билан «падари-бузруквор» деб унвон берган Маъруфжон йўллаган пулга қайтариқа тириклик кечирса бўлади? Яхшиямки, Оллоҳи Таолоннинг марҳамати билан аёл зотининг жони қирқта, онаи мукарраманинг қалби дарё, меҳри уммон яратилган эканки, Манзура кеча-кундуз ҳар тарафга елиб-юргади, болаларининг корнини тўйғазиш, устини бутлаш учун на қиши чилласида, на ёз жазирамасида тиним билмайди. Мен излаб борган ўша изғиринли кеч куз кунида ҳам далада пахта тераётган экан.

Район судидагилар М. Темирова ва М. Раҳимовларга оид масаладан анча хабардорликларини билдириши. Манзуранинг талабига кўра Маъруфжондан нафақа үндириш учун суд қарори чиққан. Бироқ, йигит бир жойда кўп тўхтамас, тез-тез иш ўрнини алмаштиаркан.

Орадан иккى ой фурсат ўтди. Текшириш натижасидан ҳабар топиш учун тағин Тошбулоқ қишлоғига ўт-

АКС-САДО

ИБРАТ БЎЛСИН

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, хурматли «Ишонч» ҳафтаномасининг заҳматкаш ходимлари. Турмуш ташвишлари билан кунда газета ва журнallар үкіб туришга кам вақтим бўлди. Лекин 1993 йил 4-сонидаги «Ўксик дил изҳори» номли мақолани ўқиб, қаттиқ изтиробга тушдим ва қўлимга қалам олиб сизларга хат ёзмоқчи бўлдим.

Мен бу мақоладаги Барот бувага жуда ачиндим. Лекин у кишиниң вижданли, ҳақиқий инсон деб ҳам атай олмайман. Балки, бу у кишининг ёшлиқдаги хатоларидир. Айнан шу хатолар учун бугун ҳаёт жазолаётгандир. Беш фарзандим бор. Турмуш ўтогим билан уларни ҳаётимиз мазмуни, деб биламиз. Ахир Барот буванинг ўшандар ҳаётининг энг азиз, умрим безаги деб сұянса бўладиган

фарзандлари бор эди-ку. Халқимизда «Ўйи бошқанинг кўнгли бошқа», деган мақол бор. Барот бува болаларидан хабар олиб турғани билан, уларни ўқимишили қылгани билан ўқисик кўнгилларини кўтара олганмикан? Ота меҳрига зор қолган ёш қалбларни ўша меҳр булоги билан қондира олдимикан? Балки, буванинг фарзандлари у кишини кечирап ва ҳозирги қийин ахволидан қутқарар.

Лекин мен буванинг ҳозирги ахволи ўз болаларини тирик етим қилиб ташлаб ёки воз кечатгандар учун ибрат бўлишини истардим.

Зулфия САРИМСОҚОВА,
Жиззах вилояти,
Зарбдор райони
«Шарқ юлдузи» жамоа
хўжалигининг ишчиси.



Йўл ҳаракати конун коидаларига изчил амал қилингандагина ҳайдовчи ва йўловчи-ларнинг хавфсизлиги тўла таъминланади. Бу кўп жихатдан ҳаракат хавфсизлиги посбонларининг зукко ва ҳушерлигига боғлиқдир.

Суратда: Тошкент вилояти давлат автомобил низорати бошкармаси З-алоҳида ротаси мазмурий амалий ишлар низори, милиция катта лейтенант Абдувоҳид Тўлагандов билан Охангарон район ДАН ходими, милиция кичик сержант Суннат Култонов иш вактида. Даврон АҲМАД олган сурат.

8 ДУШАНБА

• УзТВ I

- 7.00 «Узбекистон» ахбороти.
7.30 «Бойсунда қор эригандан». Фильм-концерт.
8.00 «Садоқат» Бадий фильм.
1-сериялар (Хиндистон).
10.45 «Нишина». Ижодкор хотин-қизлар ҳақида.
11.25 Узбекистон халқ артисти Олмахон Ҳайитова кўйлади.
12.10 Болалар учун фильм. «Соат занг урар экан».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кичкинтой» студияси. «Кўнғироқчи».
19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Халима Худойбердиевая». Телефильм.
19.40 «Истиқололим — истиқболим».

20.00 «Ёшлар хиром айлагандар...» «Узбектелефильм» премьера.

20.30 «Узбекистон» ахбороти.
21.00 «Аёл гўзаллиги оламни безар...». Ҳалқаро хотин-қизлар куни 8-Мартта бағишинган адабий-музиқий кўрсатув.

22.30 «Мафтунингман». Бадий фильм.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

• УзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум» (так-рор).

19.30 Болалар учун. «Совға».
20.00 «Ҳамал».

20.15 «Фақат қизлар учун». 21.15 «Ўзингни эр билсанг».

22.00 «Онажонлар, ассалом!». 22.50 «Аёллар». Бадий фильм.

• «Орбита IV»

8.00, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.

8.05 «Яқунлар».

8.50 Эрталабки гимнастика.
9.00 «Шеърият альбоми».

9.20 «Довюрак капитан яшаган экан». Мультфильм премьера.

9.30 «Золушка хузурида зиёфатда».

10.30 «Исламназ нимани англатади?» 8 Март — Ҳалқаро хотин-қизлар бағишинган дам олиш кўрсатуби.

11.45 «Янги авлод танлайди».

12.35 Телетомошибинларнинг талабарига биноан. «Москва кўзёшларга ишонмайди». Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар.

15.00 Янгиликлар.

15.35 «Шундай аёллар бўлмаган...»

16.00 «Иқбали кулганда».

16.45 «Сеними, шошмай тур». Мультфильм. 7 ва 8-фильмлар (25 йиллик юбилейига).

17.15 «Матадор». «Парижда аъло даражадаги модалар ҳафталиги». 2-қисм.

18.05 «Театр учрашувлари».

18.50 Телезеркранда биринчи

марта. «Уч инсон қалби». Бадий фильм (А. Довженко номли киностудия, «Радуга» ижодий ўчимаси, Ялта киностудияси иштирокида Украина кино мусавирилар гильдияси).

20.40 Хайрли тун, кичкинтоялар!

20.55 Эълонлар.

21.00 Янгиликлар.

21.25 «Мени ёлиз қолдирма, муҳаббат». В. Толкунова ижодий кечаси.

22.50 «Спорт уик-энди».

«Янги студия» таниширади;

23.05 «Бомонда».

23.25 «Джем-сейшн». Россия концерт залида бўйли ўтган «Боря М+Бони М» концертининг телевизион версияси. Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

• «Дубль IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.20 «Рост» студияси. «Гўзал қизлар».

8.50 «Мультокритика».

9.05 «Қизил елканлар». Бадий фильм.

10.30 «Энг чиройлиси Россиядан».

12.00 Кундузги сеанс. «Эркакларни асранинг». Бадий фильм.

13.15 «Кўздан ғойиб бўлаётган манзара». Л. Аннинский кўрсатуви.

14.05 «Кабаре гўзаллари».

14.35 «Бабъе лето» ансамбли.

15.25 Спорт кўрсатуби.

15.30 «Твердаги қовоқхона».

16.35 «К-2» таниширади:

«Халқ фраки».

17.25 «Маскарад-салат».

18.00—22.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 Душанба куни детектив. «Лақи страйк» таниширади. «Уруш». Бадий фильм. «Криминал ҳодисалар» туркумидан (АҚШ).

23.25 «Кююша хузурида».

24.00 «Париж диалоглари».

00.20 Пласидо Доминго ва Хулио Иглесиас «Испанча фантазиялар» кўрсатувида.

10.20 XX аср кадрда ва кадр ортида. «Катюша»дан «Бўрон»-гача.

11.20 Телекросворд. «Музбиржа».

11.50 Кундузги сеанс. «Эллик учинчи йилнинг совуқ ёзи». Бадий фильм.

13.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

13.55 Телетекст.

* * *

14.45 «Кечки салон» саҳифаларида.

16.15 «Телебиржа».

16.45 Янгиликлар.

17.00 «Фигурачиларнинг Прага баҳори».

17.30 «Олтин новда».

18.00—22.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Бор-йўғи 17 соат... ва Мексика».

22.55 «Кичик давра учун». А. Дольский.

23.40 Спорт кўрсатуби.

23.45 Криминал ҳабарлар экрани.

23.55 «Фортуна» телеканали. «Мен сизни севаман». Эдита Пъеха.

киностудия).

23.10 «Мастер, Маргарита». Испан тилидан эркин таржима. Испан мусавири Диего Веллас-кес ижоди ҳақида.

23.20 «Матбуот-экспресс».

23.30 «Овозли ўйлка».

24.00 Янгиликлар.

00.40 «L — клуб».

• «Дубль IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.45 «Монолог». Бадий фильм.

16.25 «Рост» студияси. «Олижаноб йигитлар».

16.55 Христианлар учун кўрса-туб.

17.25 «Услуб».

18.00—22.40

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.40 «Осойишталик № 9».

23.40 Тунги сеанс. «Ин Флагранти». Бадий фильм (Польша).

9.55 «Оддий Мария». Кўп се-рияли телевизион бадий фильм премьера.

10.40 «Джем».

11.10 ...16 ўшгача ва ундан катталаар».

11.50 «Матбуот-экспресс».

12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Юрак етишмовчилиги». Телевизион бадий фильм (Польша).

13.45 «Фақат Мюзик-холлда».

Телевизион бадий фильм.

14.50 Мультфильм.

15.00 Янгиликлар (сурдо тар-

10 ЧОРШАНБА

• УзТВ I

- 7.00 «Узбекистон» ахбороти.
7.25 «Сени излайман». Қисқа метражли телевизион бадий фильм.
8.05 «Демидовлар». Бадий фильм, 1-серия.
9.30 Турк тили.
10.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.30 Укув кўрсатуби. Математика. Олий касрлар ва улар устидан амаллар.
11.00 «Ёшлик» студияси саволларнингизга жавоб беради.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Тошбақалар». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Қўғир-чоқлар — менинг дўстларим».
18.55 «Спорлото».

19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.20 «Хуш келибсиз». Мультфильм.

19.20 «Футбол майдонларида».

19.40 «Янгиликаниш йўлидан».

19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.20 «Ёшлик» студияси саволларнингизга жавоб беради.

19.20 «Хуш келибсиз». Мультфильм.

19.40 «Мукаррама опа ва қирқ гўзали». Фильм-концерт.

10.30 Укув кўрсатуби. Табнати шунослик. Тупроқнинг ердаги ҳаёт учун аҳамияти.

19.20 «Аёл қадри».
20.00 Дунё ҳабарлари.

20.10 «ТИКО» — милиция хизматида.

20.30 «Узбекистон» ахбороти.

20.55 Эълонлар.


21.00 УзТВ хизниасидан «Барҳаёт наволар». Комилжон Отаниёзов.

22.20 «Кавказ асираси». Бадий фильм.

23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

• УзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Мусиқали меҳмонхона»</p



жимаси билан).
 15.20 «Телемикст».
 16.05 «Ён дафтар».
 16.10 Матвей Блантер қўшиқлари.
 16.40 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм.
 17.30 «Джем».
 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
 18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталаар».
 19.05 «Оддий Мария». Кўп

серияли телевизион бадий фильм премьераси.
 19.50 Э. Радзинский. «Театр мажароси». 2-қисм.
 20.40 Хайрли тун, кичконтойлар!
 20.55 Эълонлар.
 21.00 Янгиликлар.
 21.25 «Мосфильм» киностудиясининг 70 йиллигига. «Муҳаббат ва кабутарлар». Бадий фильм.
 23.15 «Матбуот-экспресс».
 23.25 Фигурали учун. Жаҳон

чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Ихтиёрий программа. Чехиядан кўрсатилади. Танаффус пайтида (24.00)—Янгиликлар.
 01.10 Футбол. «Уэмбли сари йўлда».
 ● «Дубль IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
 8.25 Ишбилармон кишилар даври.
 8.55 Мусиқа йирик планда.
 9.55 «Услуб».
 10.25 «Бола тилидан...»
 11.05 «Осоишталик № 9».

12.05 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 142-серия.
 12.55 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бороси.
 13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
 14.05 «Гап-гаштакларни кўмсаб».
 14.30 Россиянинг телевизион театри. Н. Садур. «Панночка». Н. В. Гоголнинг «Иблис» қиссаси асосида телеспектакль.
 16.10 Янгиликлар.

16.25 Ишдан бўш пайтингизда. «Мушуклар — овунчоқларимиз»
 16.40 Трансрэсэфир. «Хусусийлаштириш панорамаси».
 17.25 «Элчилар буйруғи». Халқаро кўрсатув.
18.00—22.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
 22.25 «Асиљ ҳолича».
 23.20 Буржлар туркумидан.
 00.15 Спорт кўрсатуви.
 00.20 «Васильевская кўчаси 13-ўйда озодлик».

12 ЖУМА

● УЗТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
 7.25 «Офицерлар». Бадий фильм.
 8.55 Дунё хабарлари.
 9.05 Инглиз тили.
 9.35 «Дебют». Фильм-концерт.
 10.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
 10.30 Ўкув кўрсатуви. Биология. Ҳозирги замон селекцияси.
 11.00 «Меҳр қолур, муҳаббат қолур». Фарғона вилояти ёшлари ҳаётидан.
 * * *
 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
 18.00 Янгиликлар.
 18.10 «Фэт-Фромус ва кўёш». Мультфильм.
 18.20 «Газалхон ёшлигим».
 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
 19.20 «Мустақиллик иқтисодиети».
 19.50 Мусиқий дақиқалар.

20.00 Дунё хабарлари.
 20.10 «Билиб кўйган яхши».
 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
 20.55 Эълонлар.
 21.00 «Истиқолол ва маънавият»
 21.30 «Булоқлар кўз очгандা». Қорақалпогистон телевидениесининг дастури.
 22.30 «Мимино». Бадий фильм.
 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

● «Орбита IV»

5.55, 15.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
 6.00 Янгиликлар.
 6.35 Эрталабки гимнастика.
 6.45 «Тонг».
 9.00 Янгиликлар.
 9.20 «Зазеркалье». «Еттинчи жин». Телевизион бадий фильм (Ўзбекфильм).
 10.40 «Учишга яроқсиз учувчи учун машғулот». Телефильм премьераси (Иркутск).
 11.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).

11.50 «Матбуот-экспресс».
 12.00 Янгиликлар.
 Театр шинавандалари.
 Сизлар учун!
 12.20 А. Штейн. «Версия». «Моссовет номли Давлат академик театрининг фильм-спектакли.

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
 15.25 «Бридж».
 15.50 «Бизнес-класс».
 16.05 «Ён дафтар».
 16.10 «Зазеркалье». «Еттинчи жин». Телевизион бадий фильм.
 17.30 Ҳалқ кўйлари.
 17.50 «Иша».
 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
 18.20 «Останкино» Давлатларпо телеканали «Россия ҳамда МДҲда нефть ва сиёсат» кўрсатувини танишитиради.
 18.40 «Инсон ва қонун».
 19.15 «Вагон-03».
 19.45 «Мўъжизалар майдони».
 20.40 Хайрли тун, кичконтойлар!
 20.55 Эълонлар.
 21.00 Янгиликлар.

21.20 «Ҳафтанинг машҳур кишиши».
 21.35 «Детективлар клуби»да. «Эн-эйч-кей» (Япония) телекомпанияси танишитиради. «Сўнгги автопортрет». Телевизион бадий фильм премьераси.
 22.50 М. Годенконинг хотира кечаси.
 24.00 Янгиликлар.
 «ВИД» танишитиради:
 00.40 «Музобоз»,
 01.25 «Обози» майдончаси.
 «Кар-мен» гурузи.
 02.25 «Матбуот-экспресс».
 ● «Дубль VI»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Ишбилармон кишилар даври.
 8.55 Кипрас Мажейка. «Кичик Европадан репортажлар».
 9.25 Ишдан бўш пайтингизда».
 9.40 «Асиљ ҳолича».
 10.35 «Ҳайвонот оламида». Кўрсатувни Н. Дроздов олиб боради.
 11.30 Мульти-пульти.
 11.40 «Параллеллар».
 11.55 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 143-серия.

12.45 Буржлар туркумидан.
 13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
 14.05 «Ижица».
 14.35 «Тбилиси-80» рок-фестивали.
 15.30 «Телетекст».
 15.35 «Телебиржа».
 16.05 Янгиликлар.
 16.20 «Рост» студияси. «Бизнинг «Аралаш-қуралаш».
 16.50 Трансрэсэфир. «Лазарет».
 17.20 «Жаноблар-уртоқлар».
 17.35 Парламент хабарномаси.
 17.50 Спорт кўрсатуви.
18.00—18.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
 18.25 Жума кунлари Дисней. «Ер сайёрасига юборилган». Бадий фильм. 2-серия.
 19.15 «Ҳар бир кун байрам».
 19.25 «Хурофий одатсиз».
 20.20 «Нолинчи вариант». Бадий фильм.
 21.45 Катталар учун мультифильм.
21.55—24.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

13 ШАНБА

● УЗТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».
 8.00 Дунё хабарлари.
 8.10 «Бегоналарнинг кириши мумкин эмас — мумкин». Бадий фильм.
 9.25 ёш спортчилар мактаби: 1. «Шоҳрӯҳ» клуби. 2. Миллий кураш сабоқлари.
 10.15 «Саноатимиз одимлари». Тошкент авиаация ишлаб чиқариш бирлашмаси.
 10.45 «Алифбо сабоқлари».
 11.15 «Муруват».
 11.45 Ш. Бонжеков. «Чароғ-бонлар». Маннон Уйғур номидаги санъат институти битирувчиларининг диплом спектакли.
 13.00 «Мактаб ва ҳаёт».
 13.40 «Ёшлик ёғдуси».
 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
 18.00 «Инжиқ малика», «Оқ қарқара». Мультфильмлар.
 18.30 «Санъат ғунчалари».

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
 19.20 «Однобома».
 19.50 «Наврӯз» тарааддуди.
 20.30 «Туркистан» ахбороти.
 21.00 «Сулола». Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров.
 22.20 «Маҳбоборат». Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм. (Хиндистон). 7-серия.
 23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
 ● УЗТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

● «Орбита IV»

6.45, 8.30, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
 6.50 Эрталабки гимнастика.
 7.00 «Матбуот-экспресс».
 7.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
 7.55 Янгиликлар.
 8.35 «Спорт-имконият».
 9.05 «Марафон-15» — кичкингойларга.
 9.30 «НУЖ: зълон қилинмаган ташриф».
 10.00 Танба кунги дастхат.
 10.30 Тиббиёт сиз учун.
 11.10 «Қизил космос». Телеви-

зион ҳужжатли фильм премьераси. 4-фильм — «Полигон». 5-фильм — «Аёллар».
 12.10 «Ишкий ёзишмалар» ёки «Соня билан Америка томон саёҳат». 2-кўрсатув.
 12.35 «Қора кўрқам от саргузаштлари». Болалар учун кўп сериали телевизион премьераси.
 13.00 «Марафон-15».
 13.50 Фигурали учун. Жаҳон чемпионати. Ихтиёрий рақс. Чехиядан кўрсатилади.
 14.40 «Кино асли» руқни танишитиради.
 15.00 Янгиликлар.
 15.20 «Марказий экспресс». Европа тележурнали.
 15.50 «Сеними, шошмай тур!» Мультфильмлар. 9 ва 10-фильмлар. (25 йиллик юбилейига).
 16.15 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви.
 17.15 «Кизил квадрат».
 17.55 «Сергей Михалков. Мен қандай қилиб совет ёзувчиси бўлдик?»
 18.35 «Ҳайвонот оламида».
 19.15 «Оба-На-Угол-шоу».
 19.45 «Коламбия пикчерс» та-

нишитиради. «Ўлимнинг йигирма тўрт кароти». Телевизион бадий фильм премьераси. «Майк Хаммор» телесериалидан.
 20.40 Хайрли тун, кичконтойлар!
 20.55 Эълонлар.
 21.00 Янгиликлар.
 21.25 «Коламбия пикчерс» танишитиради. «Қироллик курсисида». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 5-серия.
 22.25 «Матбуот-экспресс».
 22.35 «Қойил».
 23.50 «Болхона». Катталар учун мультифильм (Ўзбекфильм).
 24.00 Янгиликлар.
 00.40 «Орак етишмовчилиги». Телевизион бадий фильм.
 ● «Дубль IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.20 «Оламга ўз нигоҳи билан қараш».
 8.45 Мульти-пульти.
 8.55 «Формула-730».
 9.25 «Рост» студияси, «Бизнинг «Аралаш-қуралаш».
 9.55 «Бурда модён» тавсия этида...

10.25 Фольклор. «Пилянликлар».
 10.55 Унтилган номлар. «Зинаида Гиппий». 3-қисм.
 11.25 Кундузги сеанс. «Ойижон». Бадий фильм.
12.50—16.30
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
 16.30 «Чегарасиз футбол».
 17.30 «К-2» танишитиради: «Америка юлдузлари».
18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
 19.50 «Энг ёқимли ва жозибадор аёл». Бадий фильм.
 21.15 «Келинг, аниқлаб олайлик».
21.25—22.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
 22.30 «Мутлақо маҳфий».
 23.25 «Ивин А». Бадий фильм.

14 ЯКШАНБА

● УЗТВ I

7.00 «Ер ости бойликлари».
 Телевизион.
 7.25 Рақслар гулдастаси.
 8.00 «Туркистан» ахбороти.
 8.30 «Маҳбоборат». Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм. 6—7-сериялар.
 10.00 «Ўзбекистон спорти».
 10.20 Болалар учун. «Биргаликда кўйлаймиз».
 10.55 «Ёшлик» студияси. «Нон — ризқ-рўзимиз».
 11.25 «Истиқолол ва адабиёт».
 12.05 «Мўъжизалар маскани».
 Цирк.
 12.45 «Инсон ва замин».
 13.45 Болалар учун фильм. «Оролчадаги саргузаштлар».
 14.50 Тиҳорат канали. «Дашт фидойлари». Косон районидаги «Сурхон» ҳўялиги иш фаолиятидан.
 * * *
 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
 18.00 Ўсмирилар учун. «Ўила! Изла! Ton!».
 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.20 «Аралаш». Ҳажвий журнал.
 19.30 «Мусиқа жавони».
 20.20 Жаҳон спорти янгиликлари.
 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
 21.00 «Деҳқончилик ислоҳоти». Республика пахтакорлари кенгаши олдидан.
 21.30 «Омад ҳамиша келавермайдиз». Бадий фильм.
 22.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
 ● УЗТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

● «Орбита IV»

6.20, 18.40, 22.45, 00.15 — Кўрсатувлар тартиби.
 6.25 «Рӯҳни чиниқтириш».
 7.25 Эрталабки гимнастика.
 7.40 «Спортулот» тиражи.
 7.55 Янгиликлар.
 8.30 «Марказ».
 9.00 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг сўнгиси». Кўп серияли мультифильм премьераси.
 9.30 «Хозирча ҳаммаси жойида».
 1



БОШЛИГИМИЗ Машъал Жўшқинни онаси атайлаб амалдорликка туғиб кўйганми дейсиз: ана қадду ана қомат, ана рафтор, ана савлат. Қориндор одамнинг овози ҳам зўр бўларканми, у киши гапирганларида арслон наъра тортгандай ер титраб, осмон ларзага келади. Шоир табиат Машъал акамиз гўзаллк шайдоси: гул кўрса булбул бўлиб кетади, силлиқроқ қиз-жувонларга кўзи тушса, тамом, ипакдай эшила бошлайди. Бошлиғимиз олдида биз бир-биримиздан юввошимиз. У кишининг йўғон овози эштилиши билан боғча болаларидаёт ўрнимиздан дик туриб, ассаломга тайёрмиз. «Гаҳ» деса кўлига қўниб, қанот қоқамиз. Акса урсалар, йўталамиз, олти келишикка солиб сўксалар, қаҳ-қаҳ уриб куламиз. Лаблар кавшарланган, тили-

топширик — деди у керилиб,— ҳозироқ командировкага жўнайсиз, буйруқ тайёр. Уйга қўнғироқ қилиб кўйинг.

— Қаёққа, Машъал ака?

— Кўрқманг, курдлар кўзғолонини бостириша юбормаймиз. Янги шаҳардаги гўшт комбинати устидан шикоят бор. Текшириб, қайтасиз. Ди-ректорга «Устингиздан шикоят бор, фельетон тайёр. Шу ҳафтада чиқади», дейсиз. Мухлат сўраса, рози бўлинг. Телефон номеримни беринг, менга қўнғироқ қилсин. Саволлар борми?

Шу куниёк жўнадим. Шаҳарга бориб, жанговор топширикни бажаришга киришдим. Гўшт комбинатининг директори аёл экан. Гинамни беписанд тинглади, бошлиғимизнинг теле-

ка...

— Гапни чўзма, маҳмадона; ўзбо-шишчалик қилишга ким руҳсат берди?

— Ахир, шикоят... ўзингиз...

— Дард шикоят, бало шикоят, гу-воҳноманинги бу ёққа бер!

Титраб-қақшаб гувоҳномамни узатдим.

— Ўртоқ...

— Ўртоқ дема, тилинг кесилгур! Гувоҳномани сунистеъмол қилиш ма-на бунақа бўлади.

Машъал ака гувоҳномани бурда-бурда қилиб, тўрсаватга ташлади.

— Чиқ хонадан, ишдан бўшадинг!

Орага директор аёл аралашди.

— Машъал ака, бу сафарча кечира қолинг, бола пакир ёшлиқ қилган.

— Э, ёшлиги қолидими, олтида боласи бор. Кечирасиз, Пошшоҳон, бу тентак ўзича ташабус кўрсатиби. Хавотир бўлманг, мен бор эканман, минбад фельетон чиқмайди.

Директор ўрнидан туриб, миннатдорчилик билдири.

— Раҳмат, Машъал ака, яхшилигинизни унумтаман. Ҳўп, мен борай. Ҳа, айтганча, бизга хизмат борми?

— Ўзингизни қийнаманг, хизмат йўқ. Қизимни турмушга чиқаряпман, тўйга келсангиз бўлгани.

— Жонан билан, Машъал ака, тўй-нинг тўёнаси биздан.

— Ие-ие, сизни овора қиларкан-мизда, Пошшоҳон. Майли, биздан қайтмаса, худодан қайтар, яхши боринг, хайр!

Директор кетгач, хўжайин каминани чакирди. Калтак еган етим боладек аразлаб, хонасига кириб бордим. Машъал ақамнинг оғзи күлгиди, ел-камни қоқиб, ҳазиллашдилар:

— Мендан ранжиманг, Қоратой, иш юзасидан ҳамма нарса бўлади. Йўлини қилдим, хафа бўлманг. Ҳозир янги гувоҳнома ёздириб бераман, қизил ҷармисидан.

Ҳайратдан тилим калимага келмай қолди. Овозсиз сўкиниб, хонадан чиқиб кетдим.

Абдулла ИСОМИДДИН.

фон номерини ёзиб олиб, «Йигитча, сиз бораверинг, бошлиғингиз билан ўзим гаплашаман», деди. Буйрукни бажариб, уйга ҳам кирмай тўғри ишхонага бордим. Ҳужжатларимни тўғрилаётган эдим, котиба киз Машъал ака йўқлаётганини айтди. Дархол кирдим. Ё алҳазар, бошлиқ хонасига кирдим-у оғзим ланг очишиб қолди. Не кўз билан кўрайки, Машъал ақамнинг ёнларида эрталаб мен гаплашган гўшт комбинатининг директори яллайиб ўтиради. Мендан олдин етиб келибди-я. Минг қилса ҳам «Волга» автобусдан тез юради-да. Бошлиқ салом йўқ, алиқ йўқ, тўсатдан менга ҳужум бошлади:

— Ҳой бола, гўшт комбинатини текшир деб сенга ким буйруқ берди?

— Машъал ака, мен... командиров-

кутубхонасида 93 раками билан сакланади. Лугат 1518 йили ёзилиб, шифокор Жамолиддин Малик Динор Фурийга бағишлиланган.

Муҳаммад ибн Юсуфнинг иккичи йирик тиббиёт лугати «Бахрул-жавоҳир» деб номланган бўлиб, «Гавҳарлар денгизи» деган мазмунга эга. У «Жавоҳирул-лугат» нинг давоми сифатида 1521 йилда ёзилган. Ана шу қадимий лугатнинг босма нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик илмгоҳида сакланмоқда.

А. АЛИЕВ тайёрлаган.

ҚАДИМИЙ ЛУГАТЛАР


ЎЗБЕК китобхонининг жа-
вонида ҳозир турли соҳалар-
га доир кўпгина лугатлар
бор. Лекин ана шу лугат-
ларга «замин» бўлган энг
дастлабки лугатларни учрат-
ган кишилар жуда кам. Зоро,
бу хил-адабиётлар бебаҳо
меросимиз янглиғ бой илм
хазинаси дурдоналарига айланган.

Тиббиёт лугатшунослик бо-
расида яратилган қадимий
китоблардан бири «Жавоҳи-
рул-лугат» («Лугат тавҳар-

лар») ҳисобланади. XVI
асринг биринчи ярмида
яшаб ижод этган аллома Му-
хаммад ибн Юсуф ат-татиб
ал-Харавий томонидан тузил-
ган бу кўхна китоб тиббий
лугат-шуносликда амалга
оширилган биринчи йирик асардир.

Техрон дорилфунуни бос-
махонасида чиқарилган каталогда
ёзилишича, бу лугат-
нинг бизга маълум бўлган
ягона нусхаси шу олий ўқув
юртининг тиббиёт куллиёти

ТОПҚИРЛИК МАШКИ



ЭНИГА: 5. Қимматбахо инакдан бадий буюм тикиш санъати. 6. Орзу, истак. 7. Пардоэлик ашёси тайёрлашда ишлатиладиган хушбўй корамтири модда. 10. Қадимда болаларга сабон берувчи аёл. 11. Қашта-ўзлик ашёси. 12. Ўзбекистонда ўттизинчи йилларда фаоллик кўрсатган аёл. 15. Зеб-зийнат буюми, такинчик. 16. Бадий, илмий асар ёки маддий бойлик яратиш. 17. Соҳиб Жамолиддин «Гули сиёҳ» рўмони ҳамарони. 18. Кўл ва тирнокларни бўяшда фойдаланиладиган серят зийнатли ўсимлик. 21. Ўзбек шоираси ва адабиаси «Алла» достони муаллифи.

БЎЙИГА: 1. Жамиятда, кишилар ўртасида тутган ўрин, обрў. 2. Тўй, зиёфатларда ўтказиладиган ўйин-кулги кечаси. 3. Ҳудонинг амрини бажарувчи малника. 4. Таниши шоира Зўлғина сазовор бўлган ҳалқаро мурофот. 8. Мамлакатимиздаги энг таникли аёллар чим устида хоккей жамоаси. 9. Шарафига Самарқандда меморлиқ ёдгорлиги курилган соҳибқирон Амир Темурнинг аёлларидан бири. 13. Эркин Воҳидовнинг Арман кизига атаб ёзган шеъри. 14. Ўзбекистон ҳалқ шоираси. 19. Абдулла Каҳхор хикояларидан бири. 20. Марварид, дурнинг яна бир атамаси.

Энди кўйида таътифланган сўзларни топиб очкичини ҳал этинг.

1. Бадий тўқимачилар буюми — 12, 1, 6, 2, 10.

II. Базм-зиёфат бериб ўтказиладиган маросимга олиб бориладиган совга — 11, 13, 15, 3, 2.

III. Ҳалқ достонларини куйловчи ижодкор — 4, 2, 8, 16, 1.

IV. Шарқ бадий ижодига оид шеърият тури — 14, 2, 9, 2, 6.

V. Ақл-заковатли киши — 5, 7, 3, 7.


Жавоблар асосида шакл атрофидаги ракамларни таъвилиларни ҳарфлар билан алмаштириб топширикни ҳал этинг. Унда мумтоз шоир Носир Ҳисравнинг бир мисра ибратли хикмати аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.



— Аёлларнинг қанакасини ёқтирасиз?

— Ўзимизнидан бошқасини деб айтдим-ку.



НАСРИЙ

МАСАЛЛАР

Маррага биринчи бўлиб етиб келган қўёндан судьялик қилаётган айик сўради:

— Намуна югурмасанг, ярим соат кеч келганингда ҳам биринчи ўринни эгалла-ган бўлардинг-ку?

— Нима қиласай, орқамда Бўри чопаб келаётган бўлса!

* * *

Ёнма-ён чопиб кетаётган Қўёндан Тулини сўради:

— Кара-чи, орқамиздан ким келаётган экан?

— Караай олмайман... Юрагим ёрилиб кетиши мумкин, — жавоб берди Куён.

* * *

Ҳа, гилаи, Тошбақадан ҳам кейин қолдинг-а, — деди судьялик қилаётган Айик.

— Охирги ўринда келган бўлсам-да, Бўрининг қўлига тушмадим-ку, — жавоб берди Куён.

* * *

Маймун тешани кўтарган эди, қирраси келиб пешона-сига тегди. Шунда жаҳли чиқиб, ўзига-ўзи деди:

— Одамларга ҳайронсан, ҳамма вақт шининг теска-рисини қилиб юришади-я.

* * *

Эшак Туядан сўради:

— Дарёга етаклайми, ден-иззами?

— Қаерга бўлсаям менга барни бир, сакриб ўтадиган жой бўлмаса бас! — деди Туя.

* * *

— Дунёда нима кучли? — сўради Фидан Лайча.

— Кимга қандай-ю, лекин мен учун ана шу ўйинч эга-си кучли бўлса керак-да, — деди Фил, сичқоннинг инини кўрсатиб.

* * *

Ҳайвонлар ичидаги эзри ўзимман, деган эдинг, нега бўрини кўриб, жуфтакни ростлаб қолдинг? — сўради Куёндан Тули.

— Гап қўрқишида эмас, ўтада ҳурмат ҳам бўлиши керак-да, оғайни.

* * *

— Душманни енгиси учун нима қилиш керак? — сўради Чаби Илондан.

— Қўйнига кириб олиши керак, — деди жавоб берди Илон.

* * *

— Нега Товукни ўғирладинг? — дўйқ қилди Шер Тулигига.

— Патидан сизга болиши ясамоқчи эдим, — жавоб берди Тули.

* * *

— Сенга маза, — деди Маймун Жирафага, — ҳамма бир марта кулганда сен икки марта кулласан.



ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

● Молдовадаги кўплаб корхоналарнинг ишчилари ойлаб маошларини ололмаятилар. Бу республикада ижтимоий портлашга олиб келиши мумкин. Молдова мустақил қасаба уюшмалари Федерацииси раиси Серафим Урекянунинг республика прокурорига йўллаган мактубида шундай дейилган. Унинг сўзларига қараганда, ўтган йил охирида корхоналарнинг ишчилардан қарзи 6,3 миллиард сўмни ташкил қилган.

● Шу йилнинг ўтган ойидан бошлаб Тожикистонда халқаро телефон алоқалари хизмати ҳақи тўрт бараварга ошди. Душанбадан АҚШга телефон қилиш учун энди бир минутга 432 сўм тўланади. Шахарлар аро телефон алоқаси нархи ҳам қимматлашди.

● Американинг «Пегас» ракета-ташувчиси ёрдамида Бразилияниг оғирлиги 115 килограмм бўлган биринчи сунъий йўлдоши орбитага муваффақиятли чиқарилди. Сунъий йўлдош атроф-муҳитни ўрганиш ҳақида керакли маълумотларни олишга мўлжалланган...

МУДОФАА
ВАЗИРИНИНГ
ХИСОБ-КИТОБИ

Америка Қўшма Штатларининг 1994 йилга мўлжалланган ҳарбий бюджетида мамлакат мудофаасига бевосита алокаси бўлмаган харжатлар ҳам кўзда тутилади. «Нью-Йорк таймс» газетасининг ёзишича, янги мудофаа вазири Лео Эспин томонидан хисоб-китоб килинаётган бюджет лойихаси 12 март куни АҚШ маъмуриятига тақдим этилади.


Янги лойихага кўра, Пентагон «ўз ҳудудидаги ядро қуролларини йўқ киладиган собик Совет Республикалари»га 400 миллион доллар ажратиш ниятида.

Бундан ташкири, АҚШ ҳарбий маъмурияти америкалик аскарларнинг «тинчлик-парварлик» йўлидаги харжатларини 200 миллион долларга баҳолади.

Лео Эспин «совук уруш» инхоясига етган ҳозирги даврда АҚШ ҳарбий кудратни камайтириш зарурлигини таъкидлаб, Пентагон ишдан бўшайдиган собик ходимларини ора йўлда ташлаб кўймаслигини эътироф этди.

Армиядан бўшайдиган хизматчиларни ижтимоий муҳофиза килиш максадида АҚШ ҳарбий бюджетидан 100 миллион доллар маблағ ажратиладиган бўлди.

Бугунги кунда Пентагонда бир миллионга яқин ҳарбий бўлмаган хизматчи бор. 1994 йилда улардан 16 минги хизматдан бўшатилади. Одамларда норозилик уйротмаслик учун, Лео Эспин бу кискаришишининг антика ва «олижаноб» усулини топди. Унга мувофик ҳарбий хизматдан кўнгилли равишида бўшайдиган хизматчиларга мукофот берилади. Бу мукофот бир йўла ёки ҳар йили тўланиши мумкин. Юкорида зинк этилган 100 миллион доллар айнан ана шу мукофотга ажратиладиган маблағdir.



Хиндистон ўзининг ажойиб табнатидан ташкири тарихий ёдгорликлари билан ҳам кўпчилик сайёхларнинг эътиборини тортиб келган. Бу ерда турли давларни ўзида акс эттирган бинолар, саройлар, ибодатхоналар мавжуд. Суратда: Мусулмонлар томонидан Дехлида бунёд этилган Кутубхона.

Бу воқеа Францияниг юқори Марна департamentiда содир бўлди. 42 ёшли Кристиан Лезё ўзининг эски машинасида кичкинагина Болонь қишлоғидаги уйига қайтиб кетаётган эди. Маҳаллий аҳамиятга молик тор йўлда темирйўл изи кесиб ўтган жой ҳам бор. Буни қарангки, ҳудди аксига олгандек машинанинг мотори темирйўл изи устига чиқиши билан ўшиб қолган. Ҳудди шу пайт ғоят дараҷада тез келаётган юк поезди бурилишдан учеб чиқкан ва автомобилнинг орқа қисмини пичноқда сарёғ кесгандай кесиб кетган. Кулфат ёлғиз ўзи келмайди, деганларидек бир неча секунддан сўнг қарши томондан келаётган пассажир поезди машинанинг қолган қисмини суруб кетаётганини кўрибди. Машина энди ҳеч нарсага ярамаслигини сезган Кристиан уйига пиёда қайтиб келаверган экан.

КРИСТИАННИНГ БАХТИ

Русчадан таржима.

ЖИРИНОВСКИЙ «ЕЛЬЦИН»ГА ҚАРШИ

Марказий журналистлар уйида бўлиб ўтган матбуот конференциясида Россия Либераль — демократик партияси йўлбошчisi Владимир Жириновский Франция элчихонаси олдида яна намойиш ўтказишга мажбур бўлаётганинги айтган. РЛДП йўлбошчisi норозилигининг сабаби Францияда «Борис Ельцин» номли ароқ ишлаб чиқарилаетганлигидир. В. Жириновскийнинг фикрига кўра, бу «шайтон ичимлик»

Россия Президентининг қадр ва қимматини ерга уради. Шунинг билан бирга Фарбда В. Жириновскийнинг таъкидлашига кўра, президентлари қадрини улуғлайдилар ва шунинг учун ҳам «Миттерановка» ёки «Клинтоновка» деб номланган ичимликлар ишлаб чиқаришмайди. РЛДП раиси ўз сўзининг охирида «Борис Ельцин» деб номланган ароқни шишадан полга тўкиб ташлаган ва француздарни «Миттера-

новка» арогини ишлаб чиқаришга чақирган.

Шунингдек РЛДП раиси Владимир Жириновский Франция республикасининг Россиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Пьер Морелга норозилик мактуби йўллаган. В. Жириновский ўз мактубида Россия президентлари номини Францияда ишлаб чиқарилаетган ва сотилаётган маҳсулотларга қўявремасликини талауб қилган.

Ишонч

БОШ МУҲАРРИР
ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЬАТИ:

Акмал АКРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Абдуманноп АЛИМОЕВ, Мұхаммадатиф ЖУМАНОВ, Турғунбай МАДИЕРОВ, Санобар ҲЎЖАЕВА, (масъуль котиб), Абдурасул РЎЗМАТОВ, Саминжон СУЛТОНОВ (вилоят муҳбири), Мұхайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ҲЎЖАЕВ, Санобар ҲЎЖАЕВА,



● Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36

● Бош муҳаррир муовини 56-52-89

● Масъуль котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

● Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79

● Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.

● Безатиш — 56-87-74.

● Ишлаб чиқариш ва ҳўжалик — 56-55-85.

ВИЛОЯТЛАРДАГИ
МУХБИРЛАРИМIZНИНГ
ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-32-23;

Бухорода — 3-50-10

Гулистанда — 2-10-02;

Жиззахда — 2-39-54;

Навои — 3-59-99;

Наманганда — 6-22-10;

Нукусда — 4-19-97;

Самарқандда — 35-63-64;

Термизда — 2-70-07;

Тошкентда — 56-87-95;

Фарғона — 4-28-29

Урганч — 6-03-40

Каршида — 5-33-71;

● Муҳарририятга келган кўлъёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят во-ситачилик қилмайди Маколалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилганди факт ва ракамлар масъулияти муаллифлар зиммасидайди.

● Газета 1991 йил 21 марта билан ишлаб чиқарилади.

● «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь куни Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат кўми-тасида рўйхатта олинган ва унга 000068 сонли гувоҳнома берилган.

ГАЗЕТАМИЗ ҲОМИЙЛАРИ:

Ўрта Осиё электр аппаратлари иммий ишлаб чиқариш бирлашмаси,

Тошкент вилояти, Ўрта Чирчик райони Ким Пен Ҳва номидаги корпорация.



● Сотувдаги нархи 10 сўм.

● ШАНБА кунлари чиқади.

● Босишига 5 марта топширилди.

● Навбатчи масъуллар:

Акмал Акромов,

Тожибай Алимов.

МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-йй.

● 84460 нусхада босилди.

● Буюртма — № Г140.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Аппарати Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-үй.